

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» ФАКУЛЬТЕТИ

«Иқтисодий таҳлил ва аудит» кафедраси

«Ҳимояга рухсат этилади»

Кафедра мудири

Проф.Б.А.Хасанов

« _____ » _____ 2016 йил

**МАВЗУ: «тижорат банкларида даромад ва харажатлар таҳлили ҳамда
аудити»**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ИЛМИЙ РАҲБАР:
катта ўқитувчи

**БАЖАРДИ: «Бухгалтерия ҳисоби ва
аудит» таълим йўналиши**

**Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди
_____ сонли баённома « _____ » _____ 2016 йил.**

ТОШКЕНТ – 2016

Мавзу: “Тижорат банкларида даромад ва харажатлар таҳлили ҳамда аудити”

МУНДАРИЖА

Кириш

1-Боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тижорат банкларида аудиторлик текширувларини ташкил этишнинг назарий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикасида банк аудитини шаклланиши ва ривожланиши

1.2. Тижорат банкларида аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва уни меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солиниши

2-Боб. ДТ «Халқ банки» Яккасарой филиалида даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботни тузиш ва уни таҳлил қилиш

2.1. Тижорат банклари харажатларининг шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши

2.2. Тижорат банклари даромадларининг шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши

2.3. Тижорат банкларида даромадлар ва харажатларни ўзида акс эттирган молиявий ҳисоботни тузиш ва уни таҳлил қилиш

3-Боб. ДТ «Халқ банки» Яккасарой филиалида даромадлар ва харажатлар аудитини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш

3.1. Банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда ички аудитнинг аҳамиятини ошириш масалалари

3.2. Тижорат банкларида кредит муомалалари аудитини ўтказиш тартиби

3.3. Тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар аудитини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Барча мамлакатларда юридик ва жисмоний шахслар тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматларидан фойдаланиб келмоқдалар. Иқтисодий тамойил ва меъёрий қонунчиликка амал қилган ҳолда фаолият кўрсатаётган банк тизими иқтисодиётнинг ривожланишини ва миллий валютанинг барқарорлашувини таъминлайди. Банк бошқаруви самарадорлиги ва иқтисодий тамойилларга амал қилиши қанча юқори бўлса, у шунчалик кўп фойда кўради ва натижада барқарор молиявий институтга айланади. Шунинг учун бошқарув самарадорлигини ошириш ҳар қандай ижтимоий ривожланиш даражасида ҳар бир давлатда муҳим вазифа ҳисобланади. Молиявий институт сифатида банк фаолияти ликвидлик ҳолатини таъминлаб, рискларни камайтириб, кўйилма эгалари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини сақлаган ҳолда юқори даромад олишга қаратилган фаолиятдир.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январдаги мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади:

«Ўтган йил яқунларини сарҳисоб қилар эканмиз, биринчи навбатда, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришганимизни таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил яқунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди. Бу

прогноз кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пастдир. Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилган бўлсада, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди.»¹

Ҳозирда мамлакатимизда халқаро талабларга асосланган бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг бир қанча миллий стандартлари қабул қилинган ва айримларини қабул қилиш устида иш олиб борилмоқда. Чуқур иқтисодий ўзгаришларни юзага келтирувчи миллий банк тизимини барқарорлаштириш мақсадида охириги йилларда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Аммо тижорат банклари даромадлари ва харажатлари таҳлили ва аудитининг назарий ва амалий асослари, тижорат банкларида аудитни амалий ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар тўлиқ бартараф қилинган, деб бўлмайди. Ушбу битирув малакавий иш юқоридаги долзарб масалаларнинг ҳал қилиниши бўйича амалий таклифлар беришга қаратилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Битирув малакавий ишида тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит соҳасидаги хорижий иқтисодчи олимлардан Панова Г.М., Смирнова Л.Р., Белоглазова Г.Л., Ширинская Л.С.ларнинг ҳамда республикамиз иқтисодчи олимларидан Ибрагимов А.К., Усанов А, Хасанов Б.А., Маматов З.Т., Тулаходжаева М.М., Шоалимов А.Х., Қодиров А., Обламуродов Н.ларнинг илмий изланишларидан фойдаланилди. Чуқур иқтисодий ўзгаришларни юзага келтирувчи миллий банк тизимини барқарорлаштириш мақсадида охириги йилларда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Тижорат банкларида аудиторлик текширувлари ташкил этилишининг асосларини ўрганиш, тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар таҳлили ҳамда аудитини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш

¹ Каримов И.А. «2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир» //Халқ сўзи. 2015 йил 17 январь, №11 (6194).

тадқиқот ишининг асосий мақсади ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш белгилаб олинган:

- ташқи аудит тизимининг моҳияти ва унинг банклар фаолиятини такомиллаштиришдаги объектив зарурлигини тадқиқ этиш;

- тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар таҳлили ҳамда аудитини ташкил этиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш;

- тижорат банкларининг харажатлари рўйхати билан танишиш ва уларни бухгалтерия ҳисобида юритилиш тартибини ўрганиш;

- тижорат банкларининг даромадлари рўйхати билан танишиш ва уларни бухгалтерия ҳисобида юритилиш тартибини ўрганиш;

- тижорат банкларининг даромадларини ошириб боришда муҳим ҳисобланган кредит муомалалари ва кредит портфелини аудиторлик текширувидан ўтказиш тартиби ҳамда хусусиятларини ўрганиш;

- тижорат банкларида ички назорат ҳолатини, жумладан молия-хўжалик фаолияти самародорлиги, ҳисобнинг ишончлилиги ва аниқлиги, молиявий ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлигини тадқиқ этиш;

- тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар аудитини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг предмети. Тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар таҳлили ҳамда аудитини ташкил этиш, уни ривожланган хорижий мамлакатлар амалиётида самарали қўлланиб келинаётган назарий ҳамда амалий тажрибалар билан бойитиш, шунингдек амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар доирасида такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг объекти. Мазкур тадқиқот ишининг объекти ДТ «Халқ банки» Яккасарой филиали ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Банк тизимидаги ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк

тизимининг мустаҳкамланиши 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди.”²

Тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар таҳлили ҳамда аудитини ташкил этиш ва ўзига хос жиҳатларини очиб бериш, ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни назарий жиҳатдан асослаш ва уларнинг ечимини ишлаб чиқиш мазкур битирув малакавий ишининг илмий янгилигини ташкил этади.

Тадқиқот ишининг илмий янгиликларига қуйидагилар киради:

- иқтисодийни модернизациялаш шароитида аудиторлик текширувининг моҳияти ва унинг тижорат банклари фаолиятини такомиллаштиришдаги объектив зарурлиги илмий асослаб берилди;

- тижорат банкларида аудиторлик текширувини ўтказишнинг босқичлари ўрганилди ҳамда аудиторлик текширувини режалаштиришнинг услубий асослари ёритиб берилди;

- тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- тижорат банкларида кредит портфелини атрофлича таҳлил қилиш асосида уларнинг ҳозирги кунда мавжуд камчилик ва ютуқлари аниқланди;

- тижорат банкларида қилинадиган харажатлар рўйхати билан танишиш ва уларни бухгалтерия ҳисобида юритилиш тартибини ўрганиш жараёнида мавжуд ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинди;

- ДТ «Халқ банки» Яккасарой филиалида даромадни ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- хорижий амалиётга таянган ҳолда банк фаолиятини объектив таҳлил қилиш учун аудиторларга керакли маълумотлар берувчи банкларнинг молиявий ҳисоботини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди;

² Каримов И.А. «2015 йилда иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир»./Халқ сўзи. 2015 йил 17 январь, №11 (6194).

- ички аудит хизматини тижорат банкларининг ички назорат ҳолатини, жумладан молия-хўжалик фаолияти самародорлиги, ҳисобнинг ишончлилиги ва аниқлиги, молиявий ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлиги, Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга, банк муомалаларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларига риоя қилинишини текширувчи ва мониторингини амалга оширувчи мустақил таркибий тузилма эканлиги эътироф этилди;

- тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар аудитининг натижалари кўра аудиторлик ҳисоботини ва хулосасини тузиш бўйича тавсиялар ва услубий қўлланмаларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида келтирилган таклиф ва тавсияларни амалиётда қўллаш тижорат банклари даромадлари ва харажатларини таҳлил қилишда ҳамда аудитини ўтказиш бўйича услубий базани ташкил этишда самарадорликни ошириш имконини беради. Тадқиқот ишида тижорат банкларида аудиторлик текширувларини, хусусан даромадлар ва харажатлар аудитини ташкил этиш ва уларни ўтказишни такомиллаштириш бўйича келтирилган таклиф ва тавсияларни инобатга олиниши ушбу тадқиқот ишининг амалий аҳамиятини акс эттиради.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқот ишининг назарий асосини Ўзбекистонлик ва хорижий иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит масалалари билан боғлиқ илмий ишлари ташкил қилади.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва таркиби. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган.

1-Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларида аудиторлик текширувларини ташкил этишнинг назарий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикасида банк аудитини шаклланиши ва ривожланиши

Ўзбекистонда банк аудитига бунчалик катта эътибор қаратилаётганлигининг ўзига хос сабаблари мавжуд. Чунки, давлат назорати органларининг тижорат банкларининг муомалаларини ўтказиш ва уларнинг ҳисобини расмий жиҳатдан олиб боришига қўйиладиган барча талабларга риоя этилиши мамлакат кредит тизимининг сифати ва ишончилигини таъминлайди. Бу талаблар, биринчи навбатда, банкларга жалб этилган омонатлар ва мулкдорлар капиталининг йўқотишлар таваккалчилигини бартараф этиш ёки уни энг паст даражага тушириш шарти билан банк муомалаларининг даромадлигини мақбул даражада таъминлашга қаратилган. Биз агар жаҳон мамлакатлари кредит тизимининг тарихий ривожига назар солсак, банк ва улар миқозларининг кўп бора хонавайрон бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Шу боис улар фаолияти устидан Ўзбекистонда давлат назорати ўрнатилиши зарурлигини тушунишга олиб келди. Масалан, АҚШда «Буюк инқироз» йилларидаги аудит ва банк назорати таҳлили соҳадаги ишларни бутунлай қайта кўриб чиқишга олиб келди. Президент Ф.Рузвельт бошчилигидаги ҳукумат банк тизимини марказлаштириш сиёсатини юритди ва бу сиёсат мамлакатда банк назорати ва аудитни янги босқичга олиб чиқди. Умуман олганда, «Буюк инқироз»дан кейинги йилларда ҳам молиявий бўҳронлар у ёки бу мамлакатда турли шаклларда юз бериб турди ва уларнинг таҳлили ҳамда жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашув жараёни банклар устидан махсус давлат назоратининг ўрнатилиши ва кучайтирилишини тушунишга олиб келди. Бу соҳадаги тажрибаларни умумлаштириш, мувофиқлаштириш мақсадида 1975 йили Банк назорати бўйича Базель қумитаси тузилди. Ўзбекистон ҳам бу қумитага 1996 йилдан буён аъзо бўлиб кирган.

Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги фикрларини келтиришни лозим топдик: “Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3 мартадан зиёд ошди. Сўнгги йиллар давомида «Мудис», «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» деб баҳоламоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, агар 2011 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республикамизнинг барча 26 та банки ана шундай баҳога лойиқ кўрилди.”³

Банк назоратининг асосини банкларнинг ўзлари томонидан тайёрланган молиявий ҳисобот шакли ёки аудиторлик фирмалари тасдиқлаган иш фолиятининг молиявий аҳволи ва рентабеллиги ҳақидаги ахборотлар ташкил этади. Кўпгина халқаро меъёрий ҳужжатларда банк активлари ва пассивларини тўғри баҳолаш, улар фаолиятининг молиявий натижалари ҳаққоний баҳоланиши зарурлиги таъкидланади.

Банк ишининг молиявий аҳволи ва рентабеллиги ҳақидаги аниқ ахборотларнинг назорат органларига тақдим этилишига банк назорати бўйича Базель қумитаси банкнинг барқарор фаолият кўрсатишининг мажбурий шарти сифатида қарайди ва бу унинг «Самарали банк тизимининг асосий мезонлари» деб номланган ҳужжатида ҳам ўз аксини топган. Мазкур қумитанинг 1998 йил сентябрида «Банк фаолияти равшанлигини мустаҳкамлаш» деган махсус материали тайёрланиб, унда банк фаолиятининг молиявий аҳволи ва натижалари ҳақидаги ахборотларнинг ўз вақтида оммага етказилиб берилиши таъкидланган. Базель қумитасининг 1999 йил июнда қабул қилинган бошқа бир ҳужжатида шундай уқтирилади:

³ Каримов И.А. «2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир» //Халқ сўзи. 2015 йил 17 январь, №11 (6194).

«Банклар мавжуд рисклар ва унга олиб келувчи вазиятлар ҳақидаги маълумотлар каби йўқотиш ҳолларига заҳира сифатида шакллантирган капиталларининг барча асосий компонентларини қисқа муддатларда оммага етказиб бериш керак. Бундай ахборотлар ҳеч бўлмаганда йиллик молиявий ҳисоботларга киритилиши, уларда банк молиявий аҳволи ва фаолияти натижаларини акс эттирувчи миқдорий ва сифат кўрсаткичлари, муомалалари, рисклар таркиби ва уларни бошқариш борасидаги саъй-ҳаракатлари ёритилмоғи лозим».

Ўзбекистонда банк назоратини такомиллаштириш, тижорат банкларининг рисклари ва рентабеллиги даражаси, молиявий аҳволи ҳақида ҳаққоний ахборотлар билан таъминлашга қаратилган комплекс тадбирлар кўриб борилмоқда. Бунда 1996 йилда Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши ҳамда 1997 йил март ойдан бошлаб тижорат банклари бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисобварақлар режасига ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Булар банк ресурсларининг таркиби, уларнинг юридик тегишлилиги ва муддати, банк ресурсларининг турли даромадлилик даражаси бўйича жойлаштирилиши, тезлиги ва муомалалар таваккалчилиги бўйича банк фаолиятига қизиқувчиларни ҳаққоний ахборотлар билан таъминлаш имконини берди. Бироқ, энг мукамал халқаро стандартлар ҳам тижорат банкларининг молиявий аҳволи ва молиявий ҳисоботларидаги маълумотлар билан мос келмаслиги мумкин. Бу мумкин ҳам эмас, чунки ҳеч қандай йўл-йўриқлар банкларнинг ўз ҳисоби ва мижозлари топшириғи бўйича муомалаларини амалга оширишда барча ностандарт ҳолларни акс эттиролмайди. Бундай пайтда банк назорати органлари томонидан ишлаб чиқилган дастурлар бўйича юқори малакали мутахассислар, мустақил аудиторлар томонидан бажариладиган текширувлар катта аҳамиятга эгадир.

Аудиторлар Марказий банк талабларига мувофиқ ссудаларни қайтармасликдан пайдо бўлган йўқотишларни қоплаш учун зарур қўшимча захираларни назарда тутган ҳолда банк активлари сифатига умумий баҳо

берадилар. Айтиш лозимки, бу топшириқлар халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради. Халқаро аудитдан ўтказиш банкларнинг молиявий ҳисоботи қанчалик халқаро андозаларга жавоб бериши ва уларнинг молиявий бозордаги рейтингини аниқлаш имконини берди. Ўз молия-хўжалик фаолиятини, хизмат кўрсатиш даражасини халқаро андозалар даражасида ташкил этишга ҳаракат қилаётган банкларни ўзларининг ижобий ва салбий томонларини ҳар томонлама таҳлил қилиб боришга бўлган масъулиятини оширади.

Жаҳон банкининг вакили Е.К.Ларсен Ўзбекистон банкларида халқаро стандартлар асосида биринчи марта ўтказилган аудит текширувлари ҳақида шундай хулоса билдиради: «Банк фаолиятини баҳолашда халқаро андозаларнинг қўлланилиши Ўзбекистоннинг молия соҳасини ислоҳ қилишда муҳим қадам бўлади». Шу ўринда таъкидлаш жоизки, банкларни биринчи марта халқаро аудитдан ўтказиш пайти ҳар бир банкда 3-4 кишилик мутахассислардан иборат гуруҳлар тузилди. Улар халқаро фирмалар аудиторлари билан бирга ишлаб, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва аудит қилишнинг халқаро талабларини ўзлаштиришга олиб келди. Пировардида бу кейинчалик тижорат банкларида ички назорат ва аудит тизимини шакллантиришга замин яратди.

Марказий банк томонидан 1998 йил ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида банк аудити тўғрисида»ги Низомда банк аудити аудиторлик фаолиятининг алоҳида бир тури сифатида эътироф этилган. Ҳужжатда банкнинг бир йиллик фаолияти бўйича аудиторлик хулосаси шакли ва мазмунини Марказий банк белгилаб бериши таъкидланган. Бу йўл кўрсатувчи ҳужжатлар банк аудитининг устиворликларини, аудиторлик текширувлари таркибини аниқлаб беради. Текширишлар сифати ва самарадорлигини аудиторлар ва аудиторлик компаниялари билан ички ва ташқи ўзаро муносабатларини йўналтириб берадиган аудиторлик стандартлари, яъни меъёр ва меъёрийлар тизимига боғлиқдир. Бозор иқтисодиётининг чуқурлашуви, банклар фаолиятининг кенгайиши билан

банк аудитини ўтказишнинг ягона стандартини жорий этишга талаб кучая боради. Агар банк аудити ривожланишига назар солсак, бундай методологик йўл-йўриқлар йилдан йилга такомиллашиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Марказий банк банк аудити стандартларининг ҳуқуқий мақомини таъминлаш учун қоидалар ишлаб чиқади ва уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Чунки Марказий банк инспекцион текширувлар ўтказиш ҳуқуқига эга. Шу тариқа, Марказий банк тижорат банкларининг фаолияти бўйича маълум ахборотларга эга бўлади ва бу ахборотларни аудиторлар ҳулосаси билан таққослаб, аудиторлик фаолиятининг сифатини аниқлай олади.

Ўтказилаётган аудиторлик текширувлари ички назорат тизими ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермаслигини таъкидлашга йўналтирилган. Шунинг билан бирга банкларда ички назорат тизими юзага келиши мумкин бўлган зарарлардан ҳимоя қила олади дея олмаймиз. Аммо яхши ташкил қилинган ички назорат тизими рискни бошқариш ва уни раҳбарият учун унчалик хавfli бўлмаган даражага пасайтириш имконини беради. Шунини таъкидлаш лозимки, ички назорат тизими аниқ, катъий даражага эга эмас. У ўзгарувчан ва турли омиллар таъсирига тушиши мумкин. Назоратнинг қўпол камчиликларини аниқлаш учун, ҳар қандай ички назорат тизими доимий равишда текшириб турилиши лозим. Бундай текширишлар ички назорат тизимини ўзгартириш ва рисклар даражасини аниқлаш имконини беради. Кредит муомалаларини амалга ошириш пайтида амалиёт, сиёсат ва бошқа ишларнинг банк активлари сақлаб қолинишини таъминлаши аниқланади. Иш ҳажми объектлар бўйича ўтказилади: фоизларни ҳисоблаш, муддати ўтган қарзлар ва муддати ўтган ссудаларни қайтариб олишни таъминлаш. Бухгалтерия ҳисобининг бирламчи ҳужжатлари ўзаро таққосланади ва трансакциялар тестдан ўтказилади. Тестнинг муҳим талабларидан бири бу банк ходимларининг ўрнатилган тартиб ва қоидаларга амал қилишини текшириш ҳисобланади. Банк аудитори томонидан изланишлар давомида тўғри қарор қабул қилишга ёрдам берадиган, бошқарув ва раҳбарият учун тайёрланган ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларнинг етарлилиги ва

ишончилиги аниқланади. Кредит йўғма жилдлари ёки тегишли бошқа ҳужжатларни текшириш кредит бўлими ходимларининг берилган ссудалар бўйича мониторингнинг ўз вақтида амалга ошириб борганлиги ва берилган кредитларнинг тўғри ҳисобга олинганлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Жаҳон тажрибасига мувофиқ аудиторлик текшируви ўрнатилган тартиб ва стандартлар доирасида ўтказилсагина, у сифатли ҳисобланади. Аудиторлик текшируви катта эътибор билан режалаштирилиши, унинг ўтказилиши махсус ҳужжатлар билан бирга аудиторлик ҳисоботида акс эттирилиши лозим. Банк аудитори ҳужжатларни тўплаш ва танлаб текширишда маълум талабларга амал қилиши керак. Аудиторлик текширувини ўтказиш мобайнида ўз-ўзини бошқаришни ҳам йўлга қўйиш талаб этилади. Банк соҳасида аудиторлик текширувларини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган умумий стандартларга асосланади. Бизнинг фикримизча аудит стандартларини махсуслаштириш банк аудитини ўтказиш масалаларига услубий ёндашишнинг бир хил талабини ўрнатиш имконини беради.

Хорижий давлатларнинг аудиторлик фаолиятидаги тажрибасига таянган ҳолда, тижорат банклари ва кредит ташкилотларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасида банк аудитини ўтказишда қўлланиладиган стандартларни қуйидаги тартибда мослаштиришни тавсия этамиз:

- кредит ташкилотларининг аудитини ҳужжатлаштириш;
- кредит ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида оғишишлар мавжудлигини баҳолаш;
- аудиторлик рискни минималлаштириш ва баҳолаш;
- аудиторлик танлаб текширишининг ҳажми, параметри ва услублари;
- фирманинг ички назорат сифатини таъминлаш учун аудиторлик фирмаси ходимларининг ҳаракатлари.

Аудиторнинг иш ҳужжатлари алоҳида тўлдирилган жадваллар ва ҳужжатлар шаклида бўлади ва улар тушунтиришлар, изоҳлар, кредит

ташкilotи раҳбарларининг аризалари, керак бўлса фото суратлари, кредит ташкilotи ҳужжатларига таклифлар, маълум маънога эга бўлган ҳужжатлар ва аудиторлик текшируви раҳбарларининг талаби бўйича унда иштирок этувчи аудиторлар рўйхатидап ташкил топиши керак

Аудиторнинг иш ҳужжатлари тартибли бўлиши ва ундаги маълумотлар осон ўқиладиган ҳамда бир хил бўлиши лозим.

Аудиторлик иш ҳужжатларидаги маълумотлар махфий ҳисобланиб, аудиторлик фирмаси томонидан тарқатилмаслиги керак. Аудиторлик фирмаси кредит ташкilotининг иш ҳужжатларини тақдим этиши шарт эмас. Аммо Марказий банк томонидан 12 октябр 2002 йилда чиқарилган қарор бўйича белгиланган талаблар бўйича аудиторлик ҳисоботида ёритилиши лозим бўлган саволлар билан биргаликда аудитор томонидан банкга банк ҳисоботини тасдиқлаши ва баҳолаши, пул оқими таҳлили, соф фойда ва капитални аниқлаш, банк активлари ва пассивларини бошқариш ҳолати ва шунингдек ҳамма ишчи ҳужжатлари нусхаларини тақдим қилиши лозим⁴. Қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган тақдирда, аудиторлик фирмаси ўзининг иш ҳужжатларини бошқа шахсларга кўрсатишга ҳақи йўқ ва бунга мажбур эмас.

Аудиторлик хулосасини тузиш учун аудиторлик ҳисоботлари муҳим асос ҳисобланади. Аудиторлик текширувининг асосий қисми аудиторлик маълумотларининг турларини, усулларини ва манбаларини аниқлаш ҳисобланади. Аудиторлик фирмалари қандай усуллардан фойдаланиши ва уларни тасдиқлаш учун асослари аудиторлик хулосасининг ишончилигини тан олишга аниқлик киритади.

Бухгалтерия ҳисоботининг ишончилиги тўғрисида асосли фикр ҳосил қилиш учун аудитор етарлича аудиторлик далилларини олиши лозим. Булар:

- бухгалтерия ҳисобида муомала ва қолдиқларнинг тўғри акс эттирилишини синчиклаб текшириш;

⁴ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича Марказий банк талаблари (N 517)(Марказий банк бошқарувининг 12.10.2002 й. N 23/12 сонли қарори билан тасдиқланган)

- аналитик ишлар;
- ички назоратни текшириш.

Банк аудитори аудиторлик дастурида аудиторлик далилларини тўплаш учун қанақа аудиторлик амалиётига эга ва уларнинг ҳажмига эътиборини қаратиши лозим. Аудиторлик текшируви учун маълумотларнинг қатъий ҳажми белгиланмаган. Аудитор ўзининг касбий қобилиятидан келиб чиққан ҳолда, банкнинг бухгалтерия ҳисоботи ҳақида хулоса бериши учун маълумотларнинг ҳажмини мустақил равишда белгилайди. Аудиторлик далилларини олиш усулларини аниқлашда молиявий маълумотлар оғишиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

Аудиторлик далиллари ички, ташқи ва аралаш бўлиши мумкин.

Ички аудиторлик далиллари иқтисодий субъектдан оғзаки ёки ёзма шаклда олинishi мумкин.

Ташқи аудиторлик далиллари учинчи шахслар томондан ёзма шаклда олинади (одатда аудиторнинг ёзма сўровига кўра).

Аралаш аудиторлик далилига ёзма ёки оғзаки тарзда иқтисодий субъектдан олинган маълумотлар ҳамда ёзма тасдиқланган шаклда учинчи шахслардан олинган маълумотлар киради.

Аудиторлик фирмаси учун ташқи аудиторлик далили энг аҳамиятли ва ишончли ҳисобланади. Кейинги ўринларда эса аралаш ва ички аудиторлик далиллари туради. Аудиторлик далиллари ишончли ва етарли бўлиши лозим. Уларнинг етарлилиги ҳолатига қараб, ички назорат тизими баҳосига ва риск даражасига қараб белгиланади. Аудитор объектив ва асосли хулоса тузиши учун етарли даражада сифатли далиллар тўплаши керак. Аудиторлик фирмасининг ўзи тўплаган далиллари, одатда, иқтисодий субъект тақдим этган маълумотлардан ишончлироқ ҳисобланади. Шунинг билан бирга ёзма шаклдаги ҳужжатлар оғзаки олинган далиллардаи ишончлироқ ҳисобланади. Аудитор томонидан тўпланган далиллар бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш бўйича қайдномаларда, бланкаларда, жадвал ва баённомаларда акс эттирилиши лозим. Олинган далил маълумотлари

аудиторлик хулосасини тузишда ва текширилаётган банк раҳбариятига аудит натижалари бўйича ҳисобот беришда фойдаланилади.

Аудиторлик ҳисоботи маълумотларини олиш манбалари қуйидагилардан иборат: банк ва учинчи шахсларнинг бирламчи ҳужжатлари; банкнинг бухгалтерия ҳисоби регистрлари; банкнинг молиявий хўжалик фаолияти таҳлили натижалари; банк ва учинчи шахсларнинг оғзаки маълумотлари; банк маълумотларини бир-бири билан ва учинчи шахс маълумотлари билан таққослаш; банк мулканинг инвентаризацияси натижалари; йиллик бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар. Аудиторлик ҳисоботининг сифати у олинган манбага боғлиқ. Аудиторлар учун тўғридан-тўғри ўзлари текширган хўжалик муомалалари натижалари энг қимматли ҳисобланади. Аудиторлик ҳисоботининг етарлилигини аниқлаш аудиторлик rischi даражасига, мустақил манбалардан гувоҳларнинг мавжудлигига боғлиқ. Агар аудитор турли манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланса, у ҳолда аудиторлик rischi даражаси камади ва аксинча аудиторларга иқтисодий субъект томонидан тақдим этилган маълумотлар етарли бўлмаса ва у бирор ҳисоб ёки муомала бўйича етарли маълумотларни йиға олмаса, аудиторлик фирмаси бу ҳолатни ҳисоботда (раҳбариятга) акс эттириши ва бу масалага аудиторлик хулосасини беришда эътибор бериши лозим. Агар учинчи шахслардан олинган маълумотлар банкнинг ҳисоб маълумотлари билан бир хил бўлмаса, аудитор бу фарқнинг сабабларини аниқлаш мақсадида қўшимча чоралар кўриши лозим. Бунда банк ходимлари, банк раҳбарларини ва учинчи шахслар оғзаки сўровдан ўтказилади. Банк ходимлари ва раҳбарларини ҳамда учинчи шахсларни оғзаки сўровдан ўтказиш аудиторлик текширувининг ҳамма босқичида амалга оширилиши мумкин.

1.2. Тижорат банкларида аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва уни меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солиниши

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида аудиторлик текширувини ҳуқуқий тартибга солиш қўйидаги асосий меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади:

1. "Тижорат банкларини ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низом (Адлия вазирлигида 2000 йил 22 декабрда 992-рақам билан рўйхатга олинган)

2. "Ўзбекистон Республикасида банклар аудиторлик текшируви тўғрисида" Низом (Адлия вазирлигида 2000 йил 20 июнда 982-рақам билан рўйхатга олинган)

3. Тижорат банкларида ички назоратни ташкил қилиш бўйича тавсиялар (Марказий банк томонидан 4 июл 1998 йил 404-рақам билан тасдиқланган)

4. "Республикада банк аудити тизимини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.1996 й. ПФ-1500-сон Фармони)

5. Банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малакавий аттестация қилиш тартиби тўғрисида Низом (Марказий банк томонидан 20 июл 1996 йил 237-рақам билан тасдиқланган)

6. Банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малакавий аттестация қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки комиссияси ҳақида Низом (Марказий банк томонидан 20 июл 1996 йил 238-рақам билан тасдиқланган).

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида аудиторлик фаолиятини тартибга солиш Марказий банкга юклатилган бўлиб, у банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини олиш учун аттестацияни ташкил қилади, банк аудити билан шуғулланиш учун лицензия беради ва уларни бекор қилади, банк тизимида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи

меъёрий хужжатлар қабул қилади, банк аудитини ташкил қилиш устидан доимий назоратни ташкил қилади.

Банк аудити билан шуғулланиш учун лицензиялаш ва аттестация қилиш мақсадида Марказий банк томонидан банк аудити бўйича аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун аттестация ўтказиш ва лицензия бериш комиссияси ташкил қилинади⁵.

Комиссия 7 аъзодан иборат бўлиб, унинг таркибига комиссия раиси ҳам киради. Комиссия таркиби Марказий банк раиси буйруғи билан тасдиқланади. Комиссия раиси Марказий банк раиси ўринбосарларидан бири ҳисобланади⁶.

Комиссия қуйидаги мутахассислар томонидан ташкил қилиниши керак:

- тижорат банклар фаолиятини бошқариш ва лицензиялаш департаменти;
- тижорат банклар инспекциялаш департаменти;
- ташки алоқалар ва валютани бошқариш департаменти;
- давлат бюджетини бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва касса бажарилиши департаменти;
- услубий фаолиятининг мувофиқлаштириш департаменти;
- қимматли қоғозлар департаменти.

Банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берадиган малака сертификатини олиш учун, малака имтиҳонларга банк аудиторларини тайёрлаш Марказларда махсус курсларни ўқиган шахслар киритилади.

Малака имтиҳонларига кириш учун ва банкларда аудиторлик текширишларни ўтказиш малака сертификатини олиш учун аризачи томонидан Марказий банкга ариза берилади⁷.

Комиссия имтиҳон ўтказгандан сўнг уч кун ичида имтиҳонларнинг натижасини кўриб чиқади ва икки ҳафтани ичида имтиҳондан мувофақиятли

⁵ “Ўзбекистон Республикасида банклар аудиторлик текшируви тўғрисида” Низом (Адлия вазирлигида 2000 йил 20 июнда 982-рақам билан рўйхатга олинган)

⁶ Банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малакавий аттестация қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки – 10 шрифт

⁷ Банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини бериш, бекор қилиш ва аудиторларни малакавий аттестация қилиш тартиби тўғрисида Низом (Марказий банк томонидан 20 июл 1996 йил 237-рақам билан тасдиқланган)

ўтган даъвогарларга банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берадиган квалификацияон сертификат берилишини қарор қилади.

Банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берадиган малака сертификати аудиторга 5 йилгача берилади. Марказий банк Ўзбекистон Республикасида банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқи бор аудиторлик ташкилотларини рўйхатини тузади. Банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берадиган сертификатини олиш учун аудиторлик ташкилоти Марказий банкга ариза бериши керак.

Аудиторлик ташкилотининг аризасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши керак:

- банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берадиган малака сертификатига эга бўлган аудитор борлиги ҳақида маълумот;
- аудиторлик фаолияти билан шуғулланишга ҳуқуқ берадиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган лицензияни нотариал тасдиқланган нусхаси.

Таркибида камида 2 та банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берадиган малака сертификатига эга бўлган аудитор бўлган аудиторлик ташкилотларига Марказий банк томонидан банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берадиган сертификат берилади. Банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берадиган сертификатини, бериш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан кейин 15 кун ичида берилган малака сертификатлари давлат рўйхатига аудиторлик ташкилоти директори имзоси асосида берилади.

Банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берадиган сертификатини беришга рад жавоби, қуйидаги ҳолатларда бўлиши мумкин:

- банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берадиган малака сертификатига эга бўлган 2 та мутахассисга бўлмаса;
- тақдим қилинган ҳужжатлар ва аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа маълумотларни тўлиқсизлиги;

- ҳужжатларда, лицензиялаш талабларига ва шартларига мос бўлмаган, хато ва нотўғри маълумотлар бўлса, етарлича тўлдирилган ҳужжатларни тақдим қилганда.

Марказий банк ариза берган кундан бошлаб ўн кун ичида банкларда аудиторлик текширишларни ўтказишга ҳуқуқини берадиган сертификатни беришга асосланган рад жавобини ёзма равишда аудиторлик ташкилотига етказди.

Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги фикрларини келтиришни лозим топдик: “Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.”⁸

Марказий банк томонидан берилган, банкларда аудиторлик текшириш ҳуқуқини берадиган сертификатларнинг рўйхатини тузади, унда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- ташкилотнинг номи, почта манзили, алоқа номери, талаб қилгунча депозит рақами, устав фонди структураси ҳақида маълумот ва таъсисчилар;

- ташкилотнинг раҳбарлари ва унда ишловчи, банкларда аудиторлик текшириш ўтказиш ҳуқуқини берадиган малака сертификатига эга бўлган мутахассислар ҳақида маълумот (фамилияси, исми, шарфи, малака сертификатининг рақами ва санаси);

- банкларда аудиторлик текширувини ўтказишга ҳуқуқ берадиган сертификатнинг рақами ва санаси.

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. - «Халқ сўзи», 2014 йил 18 январь.

Марказий банк рўйхатига аниқлик киритиш учун аудиторлик ташкилоти ўн кун ичида Марказий банкга ўзгаришлар ҳақида маълумотларни етказиб бериши лозим. Банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш ёки бекор қилиш ҳамда банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлар рўйхатидаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар оммовий ахборот воситаларида чоп этилади. Тижорат банклар ўзлари Марказий банк томонидан банкларда аудиторлик текширишни ўтказиш сертификати берилган аудиторлик ташкилотини танлашади. Аудитор аудиторлик текширишларга чақирилиши мумкин, агар у аудиторлик ташкилоти штатида бўлса, ёки аудиторлик ташкилоти билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар тузса. Банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берадиган сертификатни олган аудиторлик ташкилотлари, Марказий банкга ўтказилган аудиторлик текширувлари ҳақида маълумот беришлари шарт.

Аудиторлик ташкилотлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- аудиторлик текширувини ўтказиш қарорини қабул қилишдан олдин банкнинг таъсисчи ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини олдиндан танишиб чиқишга;

- аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида банк фаолиятига тегишли ҳужжатларини тўлиқ текшириш, моддий бойликлар ва қимматли қоғозларни мавжудлигини, вужудга келган саволларга аниқлик киритиш ва аудиторлик текширувини ўтказишга керак бўлган қўшимча маълумотларни олиш;

- учинчи шахслардан ёзма сўров бўйича керакли маълумотларни олиш;

- аудиторларни, аудиторлик ташкилотини ёки уларнинг ходимларини шартномага асосан аудиторлик текширувида иштирок этишга жалб қилиш;

- текширилаётган банк томонидан керакли бўлган ҳужжатлар билан таъминламаган ҳолларда аудиторлик текширувидан бош тортиш.

2-Боб. ДТ «Халқ банки» Яккасарой филиалида даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботни тузиш ва уни таҳлил қилиш


2.1. Тижорат банклари харажатларининг шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши

Харажат – бу ҳисобот даврида пул маблағларининг ёки бошқа активларнинг камайиши сифатида, ёки капитал эгаларининг бадалларини қайтариб тўлаб берилиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, капиталнинг камайишига олиб келадиган мажбуриятларнинг кўпайиши сифатида иқтисодий нафнинг камайишидир.

Банкларнинг харажатлари- бу банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида амалга оширилган фоизли ва фоизсиз ҳамда банк операцион харажатларидан ташкил топади.

Ушбу харажатларнинг барчаси бухгалтерия ҳисобварақлари режасидаги 50000- «Харажатлар» ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади.

1-расм



Банкнинг фоизли харажатларига қуйидаги муомалалар бўйича ҳисобланган фоиз тўловлари киради:

- талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитларнинг турлари бўйича фоизли харажатлари,
- Ўзбекистон республикаси марказий банкининг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлари,
- бошқа банкларнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлари,

- қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлари,
- узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлари,
- чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлари,
- бошқа фоизли харажатлардир.

Фоизсиз харажатларга эса:

- Ўзбекистон республикаси марказий банкига тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари,
- бошқа банкларга тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари,
- қимматли қоғозлар олди-сотди муомалалари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари,
- қимматбаҳо металллар, тошлар ва тангалар олди-сотди муомалалари бўйича тўланадиган хизмат ҳамда воситачилик харажатлари,
- сотиб олинган векселлар бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари,
- аккредитивлар ва акцептлар бўйича тўланадиган хизмат ҳамда воситачилик харажатлари,
- овердрафт бўйича харажатлари,
- кредитлар бўйича воситачилик харажатлари,
- кредит мажбуриятлари бўйича харажатлари,
- менежмент бўйича харажатлар,
- синдикат кредитларда қатнашиш билан боғлиқ харажатлар,
- маҳаллий тўловлар бўйича ва воситачилик харажатлари,
- хорижий тўловлар бўйича ва воситачилик харажатлари,
- инкасса муомалаларини амалга ошириш бўйича ва воситачилик харажатлари,
- кафолат ва кафиллик муомалаларини амалга ошириш бўйича ва воситачилик харажатлари,
- бошқа воситачилик ва хизмат харажатлари,
- бошқа фоизсиз харажатлари,

- банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлари,

- банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар ва бошқа зарарлари киради.

Банкнинг операцион харажатлари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин;

- банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлари,

- ижара ва таъминот харажатлари,

- хизмат сафарлари ва транспорт харажатлари,

- маъмурий харажатлар,

- репрезентация ва хайрия харажатлари,

- эскириш харажатлари,

- суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар

- кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш харажатлари

- даромад солиғини баҳолашдан иборатдир.

Банклар ўз операцион харажатларини уларнинг бош банки томонидан бир йил учун тасдиқланган ва хабар берилган смета ассигнованиялари доирасида амалга оширадilar. Банкнинг операцион харажатлари учун ажратилган смета ассигнатсиялари ҳисобот йилининг 31 декабригача амал қилади. Тугаган йилда амалда қилинган барча харажатлар 31 декабригача ўтказилиши лозим.

Мисол сифатида ушбу БМИнинг объекти ҳисобланган Ипотека-банк тошкент вилояти филиалида қилинган харажатлар таҳлилини келтирамыз.

1-жадвал

ДТ «Халқ банки» Яккасарой филиали мисолида 2010 йилдаги харажатлар таҳлили

Тартиб рақами	Номланиши	Йил бошига (минг сўмда)	Йил охирига (минг сўмда)	Ўсиши ёки камайиши (минг сўмда)	Ўсиши ёки камайиши (фоизда)
----------------------	------------------	--------------------------------	---------------------------------	--	------------------------------------

1	Фоизли харажатлар	317587	340836	23249	107,3
2	Фоизсиз харажатлар	165985	173523	7538	104,5
3	Операцион харажатлар	1600678	1610585	9907	100,6
4	Жами:	2084250	2124944	40694	102

Хулоса: Жадвал маълумотларидан кўринишича ДТ «Халқ банки» Яккасарой филиалида 2010 йили 2009 йилга нисбатан жами харажатлар 40694 минг сўмга(2124944-2084250) ёки 2%га ($2124944/2084250 \times 100\%$) ошган, бунга фоизли харажатларнинг 23249 минг сўмга(340836-317587) ёки 7,3%га ($340836/317587 \times 100\%$) ошганлиги, фоизсиз харажатларнинг 7538 минг сўмга(173523-165985) ёки 4,5%га ($173523/165985 \times 100\%$) ошганлиги ва операцион харажатларнинг 9907минг сўмга(1610585-1600678) ёки 0,6%га ($1610585/1600678 \times 100$) ошганлиги таъсир кўрсатган.

Тижорат банклар ўз операцион харажатларини банк Бошқаруви томонидан бир йил учун тасдиқланган ва хабар берилган смета доирасида амалга оширадилар. Банкнинг операцион харажатлари сметаси бўйича маблағларни банк раҳбари тасарруф этади. Банк раҳбари банк бўйича буйруқ чиқариб, смета харажатларини тасарруф этиш ҳуқуқини ўз ўринбосарига ишониб топширишга ҳақлидир. Банк Бошқаруви раиси ҳам буйруқ чиқариб смета бўйича харажатларни тасарруф этиш ҳуқуқини ўзининг биринчи ўринбосарига бериши мумкин. Бироқ, смета бўйича харажатларни тасарруф этиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериб қўйиш билан банк Бошқарув раисини унинг смета интизоми аҳволи учун қонунда белгиланган шахсий жавобгарликдан озод қилмайди.

Келажакдаги ҳисобот даврига тегишли бўлган харажатлар тегишли ҳисобот даври давомида амортизация қилиниши лозим.

Бундай харажатларга:

- йил охирида таътилга кетаётган ходимларга тўланган иш ҳақи,

- хусусан келаси йилга тааллуқли тўловлар,
- даврий нашрга обуна бўлиш бўйича,
- келгуси йиллар сметалари ҳисобидан ўрни қопланиши керак бўлган ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш харажатлари суммаси,
- бинони ижараси учун олдиндан тўлов,
- олдиндан суғурта бадали,
- олдиндан аудиторлик хизматлари учун тўловлар,
- фаолият кўрсатиш билан боғиқ ташкилий харажатлар
- бошқа солиқ тўловлари мисол бўлиши мумкин.

Автотранспортдан фойдаланиш ва уни жорий таъмирлаш харажатлари, фойдаланилган ёнилғи қиймати ҳисоби "Транспортни сақлаш ва шаҳар бўйлаб юриш" номли алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади. Бундан ташқари, мазкур шахсий ҳисобварақда марказлаштирилган таъминот анжомларини вилоят доирасида ташиш харажатлари ҳисоби ҳам олиб борилади.

"Маъмурий харажатлар" номли шахсий ҳисобварақда тегишли тарзда иккинчи тартиб ҳисобварақларида юритилади ва улар таркибига:

- банк реклама ва хабар бериш,
 - канцелярия анжомлари ва офис буюмларини сотиб олишга қиладиган харажатлар,
 - почта, телефон ҳамда факс харажатлари,
 - даврий нашрлар, китоблар, газеталар учун қиладиган харажатлар
- ҳисоби Бу ҳисобварақлар бўйича харажатлар бош банк белгилаган сметалар чегарасида қилинади.

Банк ходимларининг иш ҳақи ва уларга тўланадиган бошқа тўловлар қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳисобдорлик асосидаги маблағлар амалдаги эҳтиёжга қараб берилади ва улар фақат бевосита қўзланган мақсадларга, яъни хизмат сафарлари, хўжалик харажатлари ва бошқаларга сарфланиши лозим. Хизмат сафари харажатларига иш ҳақи ҳисобидан бўнақлар бериш тақиқланади.

Хизмат сафари харажатлари учун бўнаклар хизмат сафарига жўнатилаётган ходимнинг шахсан ўзига берилади. Хизмат сафари харажатлари учун бўнакларнинг ҳаммасини гуруҳлар раҳбарларига бериш тақиқланади. Хизмат сафарлари билан боғиқ харажатлар учун ҳисобдорлик асосидаги маблағлар хизмат сафарига борадиган шахсларга хизмат сафари жойига етиб бориш ва қайтиб келиш қийматини, кундалиқ харажатларни ҳамда турар жой харажатларини қоплайдиган суммалар чегарасида берилади.

Ҳисобдорлик асосида пул олган ҳар бир банк ходими ўзи олган бўнакни қандай сарфлагани тўғрисида бўнақ ҳисоботи топшириши, унга хўжалиқ харажатлари бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт. Бу ҳисобот бўнақ олинганидан кейин кўпи билан 3 кун ичида, хизмат сафари харажатлари бўйича эса сафардан қайтилганидан сўнг узоғи билан 3 кун ичида топширилиши зарур.

Ҳисобдорлик асосида бепилган маблағларнинг сарфланмаган қолдиқлари топшириқ бажарилганидан ёки хизмат сафаридан қайтилганидан кейин банк кассасига топширилиши лозим. Агар топшириқ бекор қилинса, уни бажариш учун ҳисобдорлик асосида берилган бўнақ суммаси дарҳол қайтарилиши керак. Янги бўнақ берилиши учун аввал олинган бўнақ бўйича тўла ҳисоб-китоб қилинган бўлиниши шарт.

Ҳисобдор шахс ўзи бажараётган топшириқлар хусусиятига кўра ёнида доимо нақд пул олиб юриши зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно. Сарфланган суммани тўлдириш учун янги бўнақ берилиши мумкин бўлган бўнақ қолдиқи миқдори банклар раҳбарлари томонидан белгиланади. Тасдиқланган бўнақ ҳисоботлари бўйича тегишли ҳисобварақларга киритиладиган харажатлар, гарчи у берилган бўнақдан ортган бўлсада, тўла суммада ҳисобдор шахслар учун очилган шахсий ҳисобварақлар кредитида қайд этилади. Ўтган йили тугалланган хизмат сафарлари бўйича сарфланган бўнақлар тўғрисидаги ҳисоботлар ўша йилнинг ўзида қайд этилиши лозим.

2.2. Тижорат банклари даромадларининг шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши

Банкларнинг даромадларини тўғри ҳисобга олиш ва молиявий ҳисобот шаклларини тузиш учун зарур маълумотлар мажмуини шакллантиришда бухгалтерия ҳисоби алоҳида аҳамиятга эга. Банкларда бухгалтерия ҳисобининг амалдаги ҳисобварақлар режасида банк даромадларини ҳисобга олиш учун алоҳида тўртинчи бўлим ҳисобварақлари тайинланган бўлиб, уларда банк даромадлари турлари бўйича ҳисобга олинади. Банк ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида даромадлар оладилар ва бу даромадлар фоизли ва фоизсиз кўринишга эга бўлиб, банк фаолиятининг молиявий аҳволига ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банкларининг даромадлари мижозларга кўрсатилган хизматлар учун олинган тўловлар, шунингдек, бошқа фаолият турларидан олинган иқтисодий нафнинг пулдаги ифодасидир.

Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Калдуэлл даромад тушунчасини куйидагича таърифлайди: “Даромад – бу мустақил хўжалик бирлиги ишининг асосий ва доимий йўналишларини ташкил қилувчи товарларни ишлаб чиқариш ва жўнатиш, шунингдек, бошқа фаолият турларини олиб бориш натижасида олинган тушум ёки унинг активларининг ҳар қандай бошқа яхшиланиши, ёки пассивларни қопланиши (ёки унисини ҳам, бунисини ҳамдир)”⁹.

⁹ Б.Нидлз и др. Принципы бухгалтерского учета/ Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Калдуэлл. Пер. с англ. / Под ред. Я.В.Соколова. –М.: Финансы и статистика, 2003. – с.45 (496 с.).



2-расм. Банк даромадларининг турлари

Ушбу даромадлар қуйидаги манбалардан:

- Ўзбекистон республикаси марказий банкидаги ҳисобварақлар бўйича фоиhs даромадлари,
- бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоиhs даромадлари,

- олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлари,
- сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлари,
- сотиб олинган векселлар бўйича фоизли даромадлари,
- миждозларнинг мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар,
- банкнинг тўланмаган акцептлари юзасидан миждозлар мажбуриятлари бўйича фоизли даромадлари,
- Ўзбекистон республикаси марказий банкига, шунингдек, бошқа мулкчилик шаклидаги юридик ва жисмоний шахсларга берилган қисқа ҳамда узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлари,
- сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлари,
- бошқа фоизли даромадлари,
- лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлари,
- қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлардан ташкил топади.

Фоизсиз даромадлар эса:

- Ўзбекистон республикаси марказий банкига ҳамда бошқа банкларга кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлари
- қимматли қоғозлар билан амалга оширилган брокерлик муомалалари бўйича даромадлари,
- банкнинг қимматбаҳо металлар, тошлар ва тангалар билан амалга оширган муомалалари бўйича даромадлари,
- сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар –факторинг,
- банкнинг траст муомалалари бўйича даромадлари,
- аккредитивлар ва актсептлар бўйича воситачилик ва бошқа хизматлар учун олинган даромадлари,
- овердрафт бўйича кўрсатилган хизматлар учун даромадлари,
- кредитлар бўйича воситачилик даромадлари,

- кредит мажбуриятлари бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар,
- менежмент хизмати бўйича даромадлари,
- синдикат кредитларда қатнашганлик учун олинган даромадлари,
- маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлари,
- хорижий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлари,
- миждларнинг инкассо муомалалари бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлари,
- кафолатлар ва кафилликлар бўйича муомалаларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлари,
- бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар,
- хорижий валюталардаги фойда, қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шуъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлари,
- инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлари,
- бошқа фоизсиз даромадлари, яъни банк асосий воситаларининг ижарасидан олинган даромадлари банкнинг бошқа кўчмас мулкка қилинган инвестицияларидан олинган даромадлари,
- банк асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойдаси,
- банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ва ёки диспозиция қилишдан олинган фойдаси,
- ҳисобдан чиқарилган маблағларининг қайтарилишидан кўрилган даромадлардан иборат.

2-жадвал

ДТ «Халқ банки» Яккасарой филиали мисолида 2010 йилдаги даромадлар таҳлили

Тартиб рақами	Номланиши	Йил бошига (минг сўмда)	Йил охирига (минг сўмда)	Ўсиши ёки камайиши (минг сўмда)	Ўсиши ёки камайиши (фоизда)
1	Фоизли даромадлар	1273836	1345759	71923	105.6
2	Фоизсиз даромадлар	1525347	1528929	3852	100.2
3	Жами :	2799183	2874688	75505	102.7

Хулоса: жадвал маълумотларидан кўринишича Ипотека банк АТИБ тошкент вилояти филиалида 2010 йили 2009 йилга нисбатан жами даромадлар 75505 минг сўмга(2874688-2799183) ёки 2.7 %га (2874688/2799183x100%) ошган, бунга фоизли даромадларнинг 71923 минг сўмга(1345759-1273836) ёки 5,6%га (1345759/1273836x100%) ошганлиги ва фоизсиз даромадларнинг 3852 минг сўмга(1528929-1525347) ёки 2,7 фоизга (1528929/1525347x100%) ошганлиги ижобий таъсир кўрсатган. Бундан кўришиб турибдики фоизли даромадлар фоизсиз даромадларга нисбатан жорий йилда фойдалилик даражаси ошган. Шунинг ҳам эътироф этиш жоизки Ипотека банк АТИБ тошкент вилояти филиали Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сурган 2010 йилда даромадини оширишга эришган.

Мисол. ДТ «Халқ банки» Яккасарой филиали 01.06.2014 йил ҳолатига ўзининг мижози бўлган хусусий корхонага 1 000 000 сўм қайтариш шarti билан 6 ой муддатга, йиллик 20% миқдорида қисқа муддатли кредит берди. Бир ойлик ўртача фоиз тўлови 16667 сўм. Ушбу муомалалар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида қуйидагича расмийлаштирилади: Асосий кредит суммасига,

Д-т: 12901- “Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар” ҳисобварағи - 1000000 сўм,

К-т: 16103- “Бош банк / филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинadиган маблағлар” ҳисобварағи - 1000000 сўм.

Фоиз ҳисобланганда эса,

Д-т: 16309- “Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи - 16667 сўм,

К-т: 42401- “Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар” ҳисобварағи - 16667 сўм.

Агар ушбу ҳисобланган фоиз суммаси миждо томонидан тўланса унда:

Д-т: 20214- “Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари” ҳисобварағи - 16667 сўм,

К-т: 16309-“Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи – 16667 сўм.

Ҳисобланган фоиз тўловлари йил охирида соф фойда таркибига ўтказилганда,

Д-т: 42401- “Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар” ҳисобварағи – 100000 сўм,

К-т: 31206- “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” ҳисобварағи – 100000 сўм.

Кредитнинг асосий суммаси тўлиқ қайтарилганда,

Д-т: 16103- “Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар” ҳисобварағи - 1000000 сўм,

К-т: 12901- “Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар” ҳисобварағи - 1000000 сўм.

Юқорида таъкидланганидек, банк даромадларининг таркибида инвестициялардан олинадиган даромадлар ҳам сезиларли солмоққа эга. Ушбу даромадлар 44800- “Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар” ҳисобварағида ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақнинг кредитида инвестициялар бўйича ҳисобланган фоиз даромадлари, дебитида эса ушбу даромадлар фойда таркибига ўтказилиши акс эттирилади. Инвестиция

қилинган маблағларга ҳисобланган фоиз суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Д-т: 16311- “Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи,

К-т: 44800-“Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар” – тегишли ҳисобварақлари.

Фоиз даромад сифатида тан олишда, эса,

Д-т: 44800-“Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар” - тегишли ҳисобварақлар бўйича фоиз даромадлари,

К-т: 31206- Соф фойда (зарар) ҳисобварағи.

Шундай қилиб, банклар фаолиятида олинадиган даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида юқорида келтирилган тартибда акс эттирилиши бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар талаби даражасида ташкил қилишни таъминлайди ва банкларнинг молиявий ҳисоботларини тузиш учун зарур маълумотлар мажмуини вужудга келтиради.

2.3. Тижорат банкларида даромадлар ва харажатларни ўзида акс эттирган молиявий ҳисоботни тузиш ва уни таҳлил қилиш

Банкларда молиявий натижалар операцион ой якунлангандан сўнг якуний балансда ўз аксини топади. Бироқ, молиявий натижаларни тўлиқ барча банк муомалалари бўйича аниқлаш, шунингдек, банк мажбуриятларини қоплаш ва уларни тўлаб бериш йиллик молиявий ҳисоботларда ўз аксини топади. Банкларда ҳам молиявий натижаларни шакллантириш амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Шу боисдан, Банкларда молиявий натижаларни акс эттириш учун бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари 31200- «Тақсимланмаган фойда», 40000-«Даромадлар» ва 50000- «Харажатлар» ҳисобварақларидан

фойдаланилади. Бунда, тижорат банклари фаолиятини амалга оширишдаги барча муомалалар бўйича сарфланадиган ва тўланадиган харажатларни 50000- «Харажатлар» ҳисобварақларида акс эттирилиб, бутун ой ёки йил давомидаги харажатлар аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларида расмийлаштирилади.

Шунингдек, банк муомалалари фаолиятини ташкил қилиш ва мижозларига хизмат кўрсатиш жараёнида улардан фоизли ҳамда фоизсиз тарзда олинган ушламалар, шу билан бир каторда, банк томонидан ўз активларини даромадли манбаларга жойлаштирилиши туфайли олинган даромадларнинг барчаси 40000-«Даромадлар» ҳисобварақларида ҳисобга олинади. Натижада, банк фаолиятини амалга оширишда қилинган барча харажатлар олинган даромадлар ҳисобидан қопланиши ва ортиқча маблағлар банкнинг ҳисобот йилидаги (ой) соф фойдаси ҳисобланади. Ушбу соф фойда ҳисобидан солиқлар ва акциядорларга тўланган (дивиденддан солиқ) дивидендлардан қолгани банкнинг тақсимланмаган фойдасига ўтказилади.

Ушбу юқоридаги муомалалар банкнинг молиявий натижаларини ифодалаб, ушбу натижалар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ҳар бир муомаланинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, уларни даромад ва харажат сифатида банк фаолиятининг турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобга олишни талаб қилади. Банк даромадлари ва харажатларини қуйидагича туркумлашимиз мумкин:

3-жадвал

Тижорат банклари даромадлари ва харажатларининг туркумланиши¹⁰

Банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига кўра	1.ўз фаолиятига мос хизматлардан, яъни анъанавий банк хизматларидан олинадиган даромадлар; 2.ўз фаолиятига мос бўлмаган хизматлардан, яъни ноанъанавий банк хизматларидан олинадиган	1.ўз фаолиятига мос хизматлардан, яъни анъанавий банк хизматларидан кўриладиган харажатлар; 2.ўз фаолиятига мос бўлмаган хизматлардан, яъни ноанъанавий банк хизматларидан кўриладиган харажатлар.
---	---	---

¹⁰ Ф. Т. Абдувахидов. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби: Ўқув қўлланма. –Т.: 2007.

	даромадлар.	
Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига бўйича	1.Фоизли даромадлар; 2.Фоизсиз даромадлар.	1.Фоизли харажатлар; 2.Фоизсиз харажатлар; 3.Операцион харажатлар
Пул маблағларининг ҳаракати бўйича	1.Операцион фаолиятнинг даромадлари; 2.Инвестицион фаолиятнинг даромадлари; 3.Молиявий фаолиятнинг даромадлари	1.Операцион фаолиятнинг харажатлари; 2.Инвестицион фаолиятнинг харажатлари; 3.Молиявий фаолиятнинг харажатлари.
Муомалаларнинг иқтисодий мазмунига кўра	1.Актив муомалалардан олинадиган даромадлар; 2.Пассив муомалалардан олинадиган даромадлар	1.Актив муомалалардан кўриладиган харажатлар; 2.Пассив муомалалардан кўриладиган харажатлар.

Даромадлар - бу банкнинг одатдаги фаолияти натижаси сифатида иқтисодий ресурсларнинг ёхуд активларнинг оқиб келиши ёки ўсиш йўли орқали ёхуд мажбуриятларнинг қисқариши йўли орқали ўсишидир.

Харажатлар – бу фойдани кўпайтириш мақсадида банк фаолиятидан келиб чиқадиган пассивларнинг камайиши ёки мажбуриятларни ўз зиммасига олиш орқали рўй берадиган иқтисодий ресурсларнинг камайишидир.

Иқтисодий адабиётларда тан олишни модданинг банк молиявий ҳисоботларига киритилиши жараёни деб таърифлайди. Тан олиш кўрсатилган суммани ҳисоботнинг якуний кўрсаткичларида акс эттиришдан иборатдир.


Даромад моддаларини қондириш лозим бўлган тан олиш мезонлари қуйидагича:

а) модда ўлчаш учун тегишли асосга эга ва суммани оқилона баҳолашни амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги;

б) келгусида иқтисодий манфаатларнинг олиниши мумкинлиги ёки олинишидан иборатдир.

Банк даромадлари ва харажатларини тан олиниши тартибини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин¹¹:

¹¹ Международные стандарты финансовой отчетности. М.: Аскери, 1999. МСФО 18 (редакция 1993 г.) с.403.



3-расм. Банк даромадларининг тан олиниши

Шундай қилиб, даромадлар одатда шартноманинг бажарилиши амалга оширилганда ва тушумни ўлчаш ҳамда олиш имкони мавжудлиги тўғрисида қатъий ишонч ҳосил бўлганда тан олинади. Даромад ва харажатлар ўзаро сабаб-натижавий муносабатлар билан боғлиқ бўлганда харажат даромадга мос келади ва битта давр даромадининг якуний ҳисоб-китобига киритилади. Бошқа ҳолларда харажатлар даромадлар билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин, бироқ, муомалалар амалга ошириладиган даврга тегишли бўлиши мумкин.

Тан олишнинг 4 мезони - аниқлаш, баҳолаш, ўз вақтлик ва ишончлик - молиявий ҳисоботларда тан олиш учун ҳамма моддаларга нисбатан қўланилади. Иқтисодий адабиётларда банклар даромадини вақтига мувофиқ тан олишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш қўлланилади: даромадларни тан олишнинг касса усули, шартнома ёки активдан фойдаланиш даври давомида тан олиш усули. Тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ичида шундайлари мавжудки, улардан олинган даромад хизматлар бажарилганида тан олинади. Шунинг учун ҳам даромадни тан олишнинг ушбу усули касса усули деб аталади. Шартнома ёки активдан фойдаланиш даври давомида даромадни тан олиш усули банк ўз активларидан бошқа жисмоний ва юридик шахсларга фойдаланиш учун шартнома асосида берилганда қўлланилади. Банкларнинг даромадлари уларнинг харажатларини қоплайдиган асосий манба ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари ўз фаолиятидан олган даромадлари ҳисобидан қилган харажатларини қоплаган ҳолда, маълум миқдорда фойда олиб фаолият юритишлари лозим. Фойда тижорат банклари фаолиятининг якуний молиявий натижаларини ифодаловчи асосий кўрсаткичдир. Тижорат банкларининг фойдаси (агар улар фаолиятини зарар билан якунлаган бўлса, зарари) муайян ҳисобот даврида (ой, чорак, йил) олинган

даромадлардан қилинган харажатлар, солиқ ва бошқа тўловларни чиқариб ташлагандан сўнг қолган суммадир.

Тижорат банкларининг даромадлари 2 гуруҳга бўлинади:

- 1) Фоизли даромадлар;
- 2) Фоизсиз даромадлар.

Тижорат банкларининг фоизли даромадларига мижозларга берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бўйича олинган фоизлар, мабода берилган кредитлар вақтида қайтарилмаган бўлса, мижозлардан ушбу муддати ўтган кредитлар бўйича юқори ставкаларда олинган фоизлар, қимматли қоғозлар бўйича муомалалардан олинган ва турли инвестициялар бўйича олинган даромадлар киради.

Тижорат банкларининг фоизсиз даромадларига банк хизматларини кўрсатиш натижасида олинган даромадлар ҳамда савдо ва валюта муомалалари бўйича олинган даромадлар киради.

Тижорат банкларининг молиявий натижаларини таҳлил қилишда фойданинг асосий манбаи бўлган ушбу даромад турларининг таркиби ва ўзгаришини чуқур ўрганиш лозим.

Тижорат банкларининг харажатлари ҳам 2 гуруҳга бўлинади:

- 1) Фоизли харажатлар;
- 2) Фоизсиз харажатлар.

Тижорат банкларининг фоизли харажатларига банк омонатлари ва депозитларга кўйилган маблағлар, олинган кредитлар ва қимматли қоғозлар бўйича тўланадиган фоиз тўловлари ҳамда шу каби бошқа фоизли харажатлар киради.

Тижорат банкларининг фоизсиз харажатларига маъмурий-бошқарув харажатлари, кўрсатилган хизматлар (транспорт, сув, газ, электр энергияси ва шу кабилар) учун ва ходимларнинг иш ҳақи учун тўланадиган харажатлар киради.

Тижорат банкларининг молиявий натижалари таҳлилида ушбу харажатлар ўтган давр маълумотлари билан солиштирилади, уларнинг

Ўзгаришлари аниқланади ва ҳисобот даврида қай даражада тежамкорликка риоя қилинганлиги ўрганилади. Тижорат банкларининг молиявий натижалари таҳлили уларнинг даромадлари ва харажатлари таҳлили билан узвий боғлиқликда ўтказилиши лозим. Бунда таҳлил учун маълумотлар асосан банкнинг бухгалтерия балансидан, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботидан, аудиторлик текшируви натижаларидан ва мажлис баённомаларидан олинади. Агар зарурият туғилганда, бухгалтерия ҳисобининг аналитик ёзувларидан ҳам фойдаланилади.

Тижорат банклари молиявий натижалари таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- тижорат банкларининг ҳисобот даврида олган фойдасини (ёки зарарини) аниқлаш;
- фойданинг белгиланган режа ва ўтган даврларга нисбатан фарқини аниқлаш;
- фойданинг шаклланишини, яъни даромадлар ва харажатлар қандай ўзгарганлигини ўрганиш ҳамда ушбу ўзгаришлар сабабларини аниқлаш;
- тижорат банкларининг фаолияти давомида тежамкорликка қай даражада риоя қилинганлигини ўрганиш;
- рентабеллик (фойдалилик) кўрсаткичларини аниқлаш ва уларнинг ўзгаришларини ўрганиш;
- тижорат банкларининг даромадларини ошириш ва харажатларини камайтириш йўли билан банк фойдасини кўпайтириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш ва шу қабилар.

Биз ДАТБ “Халқ банки”нинг 2011-2012 йиллар маълумотлари бўйича молиявий натижалари таҳлилинини қуйидаги жадвал ёрдамида кўриб чиқишимиз мумкин.

7-жадвал

**ДАТБ “Халқ банки”нинг 2011-2012 йиллар маълумотлари бўйича
молиявий натижалари таҳлили**

(млн. сўм)

Т/р	Ҳисобот моддалари	2011 йил	2012 йил	Ўзгариши	
				Мутлоқ суммада (+; -)	Ҳоизда
1	Ҳоизли даромадлар – жами (140-сатр)	5541,9	7037,8	+1495,9	127,0
2	Ҳоизли харажатлар – жами (240-сатр)	2491,5	3496,6	+1005,1	140,3
3	Соф ҳоизли даромад (250-сатр)	3050,4	3541,2	+490,8	116,1
4	Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган эҳтимолий зарарларга қарши шакллантирилган захирани баҳолаш (260-сатр)	381,6	185,0	-196,6	48,5
5	Захириани баҳолашни чиқариб ташлагандан сўнг қолган соф ҳоизли даромад (270-сатр)	2668,8	3356,2	+687,4	125,8
6	Ҳоизсиз даромадлар – жами (350-сатр)	1963,2	1912,2	-51,0	97,4
7	Операцион харажатлар – жами (550-сатр)	3930,0	4241,3	+311,3	107,9
8	Даромад солиғи тўлангунга қадар бўлган соф даромад (560-сатр)	702,0	1027,1	+325,1	146,3
9	Даромад солиғи (570-сатр)	450,4	463,1	+12,7	102,8
10	Соф даромад (зарар) (580-сатр)	251,6	564,0	+312,4	224,2

Жадвал маълумотларидан ДАТБ “Халқ банки”нинг соф фойдаси ҳисобот йилида қайси моддалар ҳисобига кўпайганлиги ва банк харажатлари қанақа ўзгарганлиги кўриниб турибди. Банкнинг ҳоизли даромадлари 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 27 ҳоизга кўпайган бўлса, ҳоизли харажатлари ушбу даврда 40,3 ҳоизга кўпайган. Демак, ҳоизли харажатларнинг ўсиш суръати жуда юқори бўлиб, ушбу ҳолат банк фаолияти учун хавфлидир. Натижада банкнинг соф ҳоизли даромади 2012 йилда 2011 йилга нисбатан фақат 16,1 ҳоизга ўсган. Банк кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган эҳтимолий зарарларга қарши

шакллантирилган захираларга 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 196,6 млн. сўм кам маблағ ажратган бўлиб, шу йўл билан банк ўзининг фоизли даромадлари суммасини бироз оширган. Лекин банкнинг фоизсиз даромадлари 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 51 млн. сўмга камайган. Банкнинг операцион харажатлари 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 311,3 млн. сўмга ёки 7,9 фоизга кўпайган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатаптики, ДАТБ “Халқ банки”нинг бўлимларида фоизли ва фоизсиз даромадлар турларини кўпайтиришнинг ички имкониятларини топиш лозим.

Тижорат банкларининг ҳисобот даврида олган соф фойдаси бўйича улар фаолиятининг фойдалилигига баҳо бериб бўлмайди, чунки тижорат банклари устав капиталининг ҳажмига кўра кичик, ўрта ва йирик банкларга бўлинади.

Мисол. “А” банк ҳисобот йилида 640 млн. сўм, “Б” банк эса ҳисобот йилида 680 млн. сўм соф фойда олган. Ушбу ҳолатда “Б” банкни фойдали ишляпти, деб баҳолаб бўлмайди. Чунки “А” банк фаолияти жиҳатидан кичик банк, “Б” банк эса йирик банк бўлиши мумкин. Шунинг учун тижорат банкларининг рентабеллик (фойдалилик) кўрсаткичлари аниқланади ва таҳлил қилинади. Рентабеллик кўрсаткичлари нисбий кўрсаткичлар бўлиб, банкнинг соф фойдаси суммасини банкнинг барча активлари ва капитали суммасига бўлиш йўли билан аниқланади.

Тижорат банклари мавжуд активларидан самарали фойдаланишни таҳлил қилиб боришлари лозим. Банк активлари турлича бўлиб, улар банкнинг турли муомалаларида иштирок этиши мумкин.

Тижорат банклари активларидан самарали фойдаланишни қуйидаги умумий кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил қилиш мумкин¹²:

1. Банк активларининг натижавийлиги (БАН);

¹² Эргашев Б., Хамраев З.М. Тижорат банкларида иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.

2. Банк активларининг даромадлилиги (БАД);
3. Банк активларининг тежамкорлиги (БАТ);
4. Банк активларининг фойдалилиги (БАФ).

Банк активларининг натижавийлиги (БАН) кўрсаткичи банк мавжуд активларидан фойдаланиб, уларнинг ҳар бир сўмига қанча сўмлик кредит айланмасига эришганлигини ифодаловчи кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич банкнинг ҳисобот давридаги (ой, чорак, йил) кредит айланмаси суммасини банк активларининг ўртача суммасига бўлиш орқали топилади:

$$БАН = \frac{КАС}{БАЎС}$$

Бу ерда:

БАН - Банк активларининг натижавийлиги;

КАС – Кредит айланмаси суммаси;

БАЎС - Банк активларининг ўртача суммаси.

Тижорат банкларининг кредит айланмаси деганда, банк томонидан таҳлил қилинаётган ҳисобот даврида (ой, чорак, йил) миқдорларга берилган ва қайтариб олинган кредитлар суммаси тушунилади.

Мисол. Тижорат банки ҳисобот йилида ўз миқдорларига 126 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратган ва ушбу маблағларни ҳисобот йили давомида қайтариб олган. Банк активларининг ўртача суммаси эса 41 млрд. сўмни ташкил қилган. Берилган маълумотлардан фойдаланиб банк активларининг натижавийлиги кўрсаткичини аниқлаймиз:

$$БАН = \frac{КАС}{БАЎС} = \frac{126}{41} = 3,1$$

Мазкур тижорат банк активларининг натижавийлиги 3,1 сўмни ташкил қилган.

Банк активларининг даромадлилиги (БАД) кўрсаткичи банк активларининг ҳар бир сўмига ҳисобот даврида қанча сўмлик даромад олинганлигини ифодаловчи кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич банкнинг ҳисобот даврида олган барча даромадлари суммасини банк активларининг ўртача суммасига бўлиб топилади:

$$БАД = \frac{БДС}{БАЎС}$$

Бу ерда:

БАД - Банк активларининг даромадлилиги;

БДС – Банк даромадлари суммаси;

БАЎС - Банк активларининг ўртача суммаси.

Банк активларининг тежамкорлиги (БАТ) кўрсаткичи банклар мавжуд активларидан фойдаланиш учун уларнинг ҳар бир сўмига қанча сўмлик харажат қилаётганлигини ифодаловчи кўрсаткичдир. Бу кўрсаткич банкнинг ҳисобот давридаги харажатлари суммасини банк активларининг ўртача суммасига бўлиб топилади:

$$БАТ = \frac{БХС}{БАЎС}$$

Бу ерда:

БАТ - Банк активларининг тежамкорлиги;

БХС – Банк харажатлари суммаси;

БАЎС - Банк активларининг ўртача суммаси.

Банк активларининг фойдалилиги (БАФ) кўрсаткичи банк мавжуд активларидан фойдаланиб уларнинг ҳар бир суммасига қанча сўмлик соф фойда олаётганлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич банкнинг ҳисобот давридаги соф фойдаси суммасини банк активларининг ўртача суммасига бўлиб топилади:

$$БАФ = \frac{БСФ}{БАЎС}$$

Бу ерда:

БАФ - Банк активларининг фойдалилиги;

БСФ – Банкнинг соф фойдаси;

БАЎС - Банк активларининг ўртача суммаси.

Таҳлил қилиш жараёнида тижорат банклари мавжуд активларининг ҳар бир туридан қандай фойдаланаётганлигини ҳам алоҳида ўрганиш мумкин. Масалан, тижорат банклари асосий воситалардан, кредитга берилган маблағлардан, қимматли қоғозларга қўйилган маблағлардан ва бошқа активлардан қандай фойдаланаётганлигини алоҳида таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқдир. Банкларнинг активлардан самарали фойдаланишларини бошқа банкларнинг худди шундай кўрсаткичлари билан таққослаган ҳолда таҳлил қилиш ҳам мумкин.

Тижорат банкларининг мавжуд капиталидан самарали фойдаланишлари ҳам мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади. Банк капиталидан самарали фойдаланишни қуйидаги умумий кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил қилиш мумкин¹³:

1. Банк капиталининг натижавийлиги (БКН);
2. Банк капиталининг даромадлилиги (БКД);

¹³ Эргашев Б., Хамраев З.М. Тижорат банкларида иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.

3. Банк капиталининг фойдалилиги (БКФ).

Банк капиталининг натижавийлиги (БКН) кўрсаткичи бир сўмлик банк капиталига қанча сўмлик кредит айланмаси тўғри келишини ифодаловчи кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич банкнинг ҳисобот давридаги (ой, чорак, йил) кредит айланмаси суммасини банк капиталининг ўртача суммасига бўлиб топилади:

$$БКН = \frac{КАС}{БКЎС}$$

Бу ерда:

БКН - Банк капиталининг натижавийлиги;

КАС – Кредит айланмаси суммаси;

БКЎС - Банк капиталининг ўртача суммаси.

Мисол. Тижорат банки жорий йилда кредитнинг барча турлари бўйича 18480 млн. сўмлик кредит айланмасига эришди, банк капиталининг ўртача суммаси 1540 млн. сўмдан иборат. Демак, ушбу банк капиталининг натижавийлиги 12 сўмни ташкил қилган, яъни:

$$БКН = \frac{КАС}{БКЎС} = \frac{18480}{1540} = 12$$

Бундан шундай хулоса чиқадики, мазкур банк жорий йилда мавжуд капиталининг ҳар бир сўмига 12 сўмлик кредит айланмасига эришган.

Банк капиталининг даромадлилиги (БКД) кўрсаткичи банкнинг мавжуд капиталдан фойдаланиб, унинг ҳар бир сўмига қанча сўмлик даромад олганлигини ифодаловчи кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич банкнинг ҳисобот даврида олган даромади суммасини банк капиталининг ўртача суммасига бўлиб топилади:

$$BKД = \frac{БДС}{BKЎС}$$

Бу ерда:

BKД - Банк капиталининг даромадлиги;

БДС – Банк даромади суммаси;

BKЎС - Банк капиталининг ўртача суммаси.

Мисол. Тижорат банки жорий йилда 5544 млн. сўмлик даромад олган, банк капиталининг ўртача суммаси 1540 млн. сўмни ташкил қилади. Демак, банк капиталининг даромадлиги 3,6 сўмни ташкил қилган, яъни:

$$BKД = \frac{БДС}{BKЎС} = \frac{5544}{1540} = 3,6$$

Бундан шундай хулоса чиқадики, мазкур банк жорий йилда мавжуд капиталининг ҳар бир сўмига 3,6 сўмлик даромад олган.

Банк капиталининг фойдалилиги (БКФ) кўрсаткичи банкнинг мавжуд капиталидан фойдаланиб, унинг ҳар бир сўмига қанча сўмлик соф фойда олганлигини ифодаловчи кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич банкнинг ҳисобот даврида олган соф фойдаси суммасини банк капиталининг ўртача суммасига бўлиб топилади:

$$BKФ = \frac{БСФ}{BKЎС}$$

Бу ерда:

BKФ - Банк капиталининг фойдалилиги;

БСФ – Банкнинг соф фойдаси;

BKЎС - Банк капиталининг ўртача суммаси.

Мисол. Тижорат банки жорий йилда 693 млн. сўм соф фойда олган, банк капиталининг ўртача суммаси 1540 млн. сўмни ташкил қилган. Демак, банк капиталининг фойдалилиги 0,45 сўмни ташкил қилади, яъни:

$$БКФ = \frac{БСФ}{БКЎС} = \frac{693}{1540} = 0,45$$

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мазкур банк жорий йилда мавжуд капиталининг ҳар бир сўмига 0,45 сўмлик соф фойда олган.

Тижорат банклари капиталидан самарали фойдаланишни ифодаловчи умумий кўрсаткичлар аниқлангандан сўнг ўтган даврлардаги бундай кўрсаткичлар билан таққосланади ва тегишли хулосалар чиқарилади. Таҳлил қилиш жараёнида умумий кўрсаткичлардан ташқари, банк устав капитали ва тақсимланмаган фойдасининг ўзгаришини ва улардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш лозим.

3-Боб. ДТ «Халқ банки» Якқасарой филиалида даромадлар ва харажатлар аудитини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш

3.1. Банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда ички аудитнинг аҳамиятини ошириш масалалари

Республикамізда банк тизими ислоҳ қилиниши билан банкларнинг фаолиятини назорат қилиш учун тижорат банкларида ички аудит бўлимлари, бошқармалари ва бошқа бўлимлар ташкил этилмоқда. Ушбу ташкил этилган ички аудит фойдаланадиган маълумотлар асосида бухгалтерия ҳисобининг аҳволини яхшилаш ва уни халқаро андозаларга мослаштиришда банк фаолияти учун муҳим ҳисобланади. Ички назорат тизими устидан мунтазам назоратни олиб бориш ва уни такомиллаштириш раҳбарлар мажбуриятидир. Назорат тартиблари учун жавобгар ходимлар бевосита раҳбариятга ҳисобот беришлари лозим. Банк ички аудити банк муомалари ҳисобининг ҳолатини текширишда аввало уларнинг аналитик ҳисобининг тўғри ташкил қилинганлиги ҳамда уларнинг сақланиши моддий жавобгар шахслар зиммасига топширилганлигига, уларнинг тўлиқлиги ва ҳаракати бўйича ҳисоб маълумотларининг ишончилигини қайта назорат қилиш керак.

Аудиторлик фаолияти, кўпчилик мамлакатларда белгиланганидек, ҳам миждозлар, ҳам давлат олдидаги масъулият билан боғлиқ. Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги тўғрисидаги аудиторлик хулосаси - бу биринчидан миждоз томонидан тақдим этилган ахборотга қўйилган сифат белгиси бўлса, иккинчидан миждозга унинг ишлари кўнгилдагидек бораётганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Тижорат банкларида аудиторлик хизматларига бўлган талабнинг кўпайиши тақдим этиладиган молиявий ҳисобот, банкларнинг ҳисоб юритиши ва ҳисоботи тўғрилигини таъминлашда ўзаро манфаатдорликни тасдиқлаш зарурати, шунингдек, маслаҳат бериш туридаги хизматлар салмоғининг ошганлиги билан белгиланади.



4-расм. Ички назорат тизимининг турлари

Ички назорат тизими турлари.

Жаҳон молиявий инқирозининг асосий сабаблари:

- кредит ва қимматли қоғозлар бозорларида ўз манфаатларини кўзлаб турли спекулятив амалиётларига берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлиги;

- банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ муаммонинг кескинлашуви;

- кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда пул маблағларининг етишмаслиги;

- молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни камраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги.

Аудиторлик фаолияти ахборотлар тизимининг муҳим таркибий қисми, уни шакллантириш воситаларидан бири бўлибгина қолмай, яна:

- оммавий ва номахфий иқтисодий ахборотларни бир андозага солиши ва бунда уларнинг барча манфаатдор хўжалик бирликларига албатта тақдим этилишини кафолатлаши;

- иқтисодий маълумотлардан, шу жумладан, иқтисодиёт бўйича адабиётлардан фойдалана билишни ўргатиши;

- фойдаланувчилар учун иқтисодий маълумотларнинг аниқ ва равшан бўлишини таъминлаши лозим.

Ушбу талаблар ҳозирги шароитларда фақат қонунлар ва меъёрий ҳужжатлардаги ахборотларга асосланиб, тадбиркорлик фаолиятини самарали амалга ошириш мумкин эмаслиги, балки яна мулкчилик тузилмасидаги қайта кўришларни илғаб олиш кераклиги билан боғлиқдир.

Иқтисодий адабиётларда бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шакллари вужудга келиши билан бир қаторда назоратни ривожлантириш бўйича турлича қарашлар мавжуд. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида назоратни ривожлантириш аудиторлик фаолияти, яъни молиявий назоратнинг муҳим бўғини бўлган аудит хизматини йўлга қўйиш замон талаби бўлмоқда. Аудитнинг моҳияти ва тайинланиши ҳақида турлича қарашлар мавжуддир. Аудитнинг моҳияти тўғрисида проф. Данилевский Ю.А томонидан қуйидагича таъриф берилган:

«Аудит сўзининг оммавий тушунчаси шундан иборатки, ташқи мустақил молиявий назорат бўлиб, ушбу корхона (фирма, компания)да ишламайдиган, унга боғлиқ бўлмаган дипломли аудитор томонидан ўтказилади¹⁴». М.М.Тулаходжаеванинг таъкидлашича, «Аудит – бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни ва ушбу ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мақсадида тадбиқ этилишидир¹⁵».

Аудитга бундай таъриф бериш унинг моҳиятини тўла равишда очиб беради. Лекин бизнинг мақсадимиз фақат таъриф беришни аниқлаш эмас, балки бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларида банк муомалалари билан боғлиқ муомалаларни назорат қилишда ички аудитнинг аҳамиятини ошириш ва уни мукамаллаштириш масалаларини ҳам очиб беришдир.

3.2. Тижорат банкларида кредит муомалалари аудитини ўтказиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 11.02.1999 йилда 632-сон билан рўйхатга олинган «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари улар бўйича эҳтимолий йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этадиган захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби»га мувофиқ барча тижорат банклари ўз кредит портфелини таснифлаш ва улар бўйича эҳтимолий йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира шакллантиришлари шарт. ДТ «Халқ банки» Яккасарой филиалида ҳам юқоридаги тартибга ва 167-сон ДТ «Халқ банки» Яккасарой филиали қарз муомалалари бўйича эҳтимолий йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира шакллантириш техникавий тартиби»га асосан кредит бўйича эҳтимолий йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира шакллантирилган. Кредит бўйича эҳтимолий йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира-банкнинг барча кредитлари бўйича зарарни қоплаш учун ташкил қилинган захираларнинг контр-актив

¹⁴ Данилевский Ю.А. «Аудит» вопросы и ответы. Бухгалтерский учет. М. – 2008.

¹⁵ Тулахужаева М. М. «Корхона молиявий ахволи аудити» Т – 1996.

ҳисобварағидир. Ушбу зарар банкнинг кредит портфели ва балансдан ташқари мажбуриятларда мавжуд ёки ҳосил бўлиши мумкин бўлган зарарлар йиғиндисиدير.

Аудит қилиш жараёнида кредит рискани қоплаш бўйича заҳира ташкил қилинаётганида қуйидаги тартибларга риоя қилинганлигини текшириш керак:

- кредит бўйича эҳтимолий зарарлар ўрнини қоплаш заҳирасини ташкил қилинишининг мажбурийлиги;

- кредит бўйича фақат асосий қарз миқдорида заҳирани шакллантириш;

- заҳирани ҳар бир кредит бўйича алоҳида шакллантириш;

- кредит сифатини аниқлаш, яъни кредит рискининг даражасини аниқлаш;

- заҳирани шакллантириш учун кредит бўйича рискни бир нечта гуруҳларга ажратиш;

- кредит рискани аниқлашда қўлланиладиган қарздорнинг молиявий ҳолатини ўзгариб туриши сабабли, заҳирага ҳар ойда ўзгартиришлар киритиб туришнинг зарурлиги;

- банк даромади миқдоридан қатъий назар, заҳирага ажратмаларни банк харажатига олиб бориш;

- заҳирадаги ўзгаришларни банк ҳисоби ва ҳисоботида ишончли акс эттириш.

Аудитор, банкда Марказий банкнинг Тартибига риоя қилинган ҳолда ишлаб чиқилган «қарз олувчининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва у билан боғлиқ кредит рискани аниқлаш» методикасини қўлланилишига баҳо бериши керак. Аудитор текширув жараёнида қарздорнинг банк томонидан тўғри таснифланганини текшириши керак. Агар қарздор томонидан, кредит бўйича қарзни сўндириш учун пул келиб тушса, ушбу кредит бўйича шаклланган заҳира камайтиради, банк даромади эса шу миқдорга кўпайтирилиши керак, бунинг натижасида даромад солиғи базаси ҳам ошади.

Аудитор томонидан ушбу бухгалтерия ўтказмалари тўғри ва ўз вақтида амалга оширилганлиги текширилади.

Аудиторлик фаолиятининг миллий иқтисодиётда тутган муҳим ўрнини инобатга олиб, мустақиллик йилларида Республикада ташқи аудиторлик фаолияти тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 17.04.2006 йил № ПҚ-325 қарорига асосан аудиторлик соҳасида фаолият юритаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилди¹⁶ ҳамда «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида»ги 21.05.2007 йил № ПҚ - 640 сонли қарорларига асосан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзларига амал қилиш муддати 2010 йилнинг 31 декабрига қадар узайтирилди.¹⁷

Ўтказилаётган аудиторлик текширувлари ички назорат тизими ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермаслигини таъкидлашга йўналтирилган. Шунинг билан бирга банкларда ички назорат тизими юзага келиши мумкин бўлган зарарлардан ҳимоя қила олади дея олмаймиз. Аммо яхши ташкил қилинган ички назорат тизими рискни бошқариш ва уни раҳбарият учун унчалик хавфли бўлмаган даражага пасайтириш имконини беради. Шунини таъкидлаш лозимки, ички назорат тизими аниқ қатъий даражага эга эмас. У ўзгарувчан ва турли омиллар таъсирига тушиши мумкин. Назоратнинг қўпол камчиликларини аниқлаш учун, ҳар қандай ички назорат тизими доимий

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 17.04.2006 йил № ПҚ-325 қарори.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида" ги 21. 05. 2007 йил № ПҚ - 640 сонли қарори.

равишда текшириб турилиши лозим. Бундай текширишлар ички назорат тизимини ўзгартириш ва рисклар даражасини аниқлаш имконини беради. Кредит муомалаларини амалга ошириш пайтида амалиёт, сиёсат ва бошқа ишларнинг банк активлари сақлаб қолинишини таъминлаши аниқланади. Иш хажми объектлар бўйича ўтказилади: фоизларни ҳисоблаш, муддати ўтган қарзлар ва муддати ўтган кредитларни қайтариб олишни таъминлаш. Бухгалтерия ҳисобининг бирламчи ҳужжатлари ўзаро таққосланади ва трансакциялар тестдан ўтказилади. Тестнинг муҳим талабларидан бири бу банк ходимларининг ўрнатилган тартиб ва қоидаларга амал қилишини текшириш ҳисобланади. Банк аудитори томонидан изланишлар давомида тўғри қарор қабул қилишга ёрдам берадиган, бошқарув ва раҳбарият учун тайёрланган ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларнинг етарлилиги ва ишончлилиги аниқланади. Кредит йиғма жилдлари ёки тегишли бошқа ҳужжатларни текшириш кредит бўлими ходимларининг берилган ссудалар бўйича мониторингнинг ўз вақтида амалга ошириб борганлиги ва берилган кредитларнинг тўғри ҳисобга олинганлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Жаҳон тажрибасига мувофиқ аудиторлик текшируви ўрнатилган тартиб ва стандартлар доирасида ўтказилсагина, у сифатли ҳисобланади. Аудиторлик текшируви катта эътибор билан режалаштирилиши, унинг ўтказилиши махсус ҳужжатлар билан бирга аудиторлик ҳисоботида акс эттирилиши лозим. Банк аудитори ҳужжатларни тўплаш ва танлаб текширишда маълум талабларга амал қилиши керак. Аудиторлик текширувини ўтказиш мобайнида ўз-ўзини бошқаришни ҳам йўлга қўйиш талаб этилади.

3.3. Тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар аудитини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш

Банк соҳасида аудиторлик текширувларини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган умумий стандартларга асосланади. Бизнинг фикримизча аудит стандартларини махсуслаштириш банк аудитини ўтказиш масалаларига услубий

ёндашишнинг бир хил талабини ўрнатиш имконини беради. Хорижий давлатларнинг аудиторлик фаолиятидаги тажрибасига таянган ҳолда, тижорат банклари ва кредит ташкилотларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасида банк аудитини ўтказишда қўлланиладиган стандартларни қуйидаги тартибда мослаштиришни тавсия этамиз:

- тижорат банкининг аудитини ҳужжатлаштириш;
- тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида оғишишлар мавжудлигини баҳолаш;
- аудиторлик рискинни минималлаштириш ва баҳолаш;
- аудиторлик танлаб текширишининг ҳажми, параметри ва услублари;
- фирманинг ички назорат сифатини таъминлаш учун аудиторлик фирмаси ходимларининг ҳаракатлари.

Аудиторнинг иш ҳужжатлари тартибли бўлиши ва ундаги маълумотлар осон ўқиладиган ҳамда бир хил бўлиши лозим. Аудиторлик иш ҳужжатларидаги маълумотлар махфий ҳисобланиб, аудиторлик фирмаси томонидан тарқатилмаслиги керак. Аудиторлик фирмаси тижорат банкининг иш ҳужжатларини тақдим этиши шарт эмас. Аммо Марказий банк томонидан 12 октябр 2002 йилда чиқарилган қарор бўйича белгиланган талаблар бўйича аудиторлик ҳисоботида ёритилиши лозим бўлган саволлар билан биргаликда аудитор томонидан банкга банк ҳисоботини тасдиқлаши ва баҳолаши, пул оқими таҳлили, соф фойда ва капитални аниқлаш, банк активлари ва пасивларини бошқариш ҳолати ва шунингдек ҳамма ишчи ҳужжатлари нусхаларини тақдим қилиши лозим¹⁸.

Қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган тақдирда, аудиторлик фирмаси ўзининг иш ҳужжатларини бошқа шахсларга кўрсатишга ҳақи йўқ ва бунга мажбур эмас. Аудиторлик хулосасини тузиш учун аудиторлик ҳисоботлари муҳим асос ҳисобланади. Аудиторлик текширувининг асосий қисми аудиторлик маълумотларининг турларини, усулларини ва манбаларини

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича Марказий банк талаблари (N 517)(Марказий банк бошқарувининг 12.10.2002 й. N 23/12 сонли қарори билан тасдиқланган).

аниқлаш ҳисобланади. Аудиторлик фирмалари қандай усуллардан фойдаланиши ва уларни тасдиқлаш учун асослари аудиторлик хулосасининг ишончлилигини тан олишга аниқлик киритади.

Бухгалтерия ҳисоботининг ишончлилиги тўғрисида асосли фикр ҳосил қилиш учун аудитор етарлича аудиторлик далилларини олиши лозим. Булар:

- бухгалтерия ҳисобида муомала ва қолдиқларнинг тўғри акс эттирилишини синчиклаб текшириш;

- аналитик ишлар;

- ички назоратни текшириш.

Банк аудитори аудиторлик дастурида аудиторлик далилларини тўплаш учун қанақа аудиторлик амалиётига эга ва уларнинг ҳажмига эътиборини қаратиши лозим. Аудиторлик текшируви учун маълумотларнинг қатъий ҳажми белгиланмаган. Аудитор ўзининг касбий қобилиятидан келиб чиққан ҳолда, банкнинг бухгалтерия ҳисоботи ҳақида хулоса бериши учун маълумотларнинг ҳажмини мустақил равишда белгилайди. Аудиторлик далилларини олиш усулларини аниқлашда молиявий маълумотлар огишиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

Аудиторлик далиллари ички, ташқи ва аралаш бўлиши мумкии.

Ички аудиторлик далиллари иқтисодий субъектдан оғзаки ёки ёзма шаклда олинishi мумкин.

Ташқи аудиторлик далиллари учинчи шахслар томондан ёзма шаклда олинади(одатда аудиторнинг ёзма сўровига кўра).

Аралаш аудиторлик далилига ёзма ёки оғзаки тарзда иқтисодий субъектдан олинган маълумотлар ҳамда ёзма тасдиқланган шаклда учинчи шахслардан олинган маълумотлар киради.

Аудиторлик фирмаси учун ташқи аудиторлик далили энг аҳамиятли ва ишончли ҳисобланади. Кейинги ўринларда эса аралаш ва ички аудиторлик далиллари туради. Аудиторлик далиллари ишончли ва етарли бўлиши лозим. Уларнинг етарлилиги ҳолатига қараб, ички назорат тизими баҳосига ва риск даражасига қараб белгиланади. Аудитор объектив ва асосли хулоса тузиши

учун етарли даражада сифатли далиллар тўплаши керак. Аудиторлик фирмасининг ўзи тўплаган далиллари, одатда, иқтисодий субъект тақдим этган маълумотлардан ишончлироқ ҳисобланади. Шунинг билан бирга ёзма шаклдаги ҳужжатлар оғзаки олинган далиллардан ишончлироқ ҳисобланади. Аудитор томонидан тўпланган далиллар бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш бўйича кайдномаларда, бланкаларда, жадвал ва баённомаларда акс эттирилиши лозим. Олинган далил маълумотлари аудиторлик хулосасини тузишда ва текширилаётган банк раҳбариятига аудит натижалари бўйича ҳисобот беришда фойдаланилади. Аудиторлик ҳисоботи маълумотларини олиш манбалари қуйидагилардан иборат: банк ва учинчи шахсларнинг бирламчи ҳужжатлари; банкнинг бухгалтерия ҳисоби регистрлари; банкнинг молиявий хўжалик фаолияти таҳлили натижалари; банк ва учинчи шахсларнинг оғзаки маълумотлари; банк маълумотларини бир-бири билан ва учинчи шахс маълумотлари билан таққослаш; банк мулкнинг инвентаризацияси натижалари; йиллик бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар. Аудиторлик ҳисоботининг сифати у олинган манбага боғлиқ. Аудиторлар учун тўғридан-тўғри ўзлари текширган хўжалик муомалалари натижалари энг қимматли ҳисобланади. Аудиторлик ҳисоботининг етарлилигини аниқлаш аудиторлик rischi даражасига, мустақил манбалардан гувоҳларнинг мавжудлигига боғлиқ. Агар аудитор турли манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланса, у ҳолда аудиторлик rischi даражаси камаяди ва аксинча аудиторларга иқтисодий субъект томонидан тақдим этилган маълумотлар етарли бўлмаса ва у бирор ҳисоб ёки муомала бўйича етарли маълумотларни йиға олмаса, аудиторлик фирмаси бу ҳолатни ҳисоботда (раҳбариятга) акс эттириши ва бу масалага аудиторлик хулосасини беришда эътибор бериши лозим. Агар учинчи шахслардан олинган маълумотлар банкнинг ҳисоб маълумотлари билан бир хил бўлмаса, аудитор бу фарқнинг сабабларини аниқлаш мақсадида қўшимча чоралар кўриши лозим. Бунда банк ходимлари, банк раҳбарларини ва учинчи шахслар оғзаки сўровдан ўтказилади. Банк ходимлари ва раҳбарларини ҳамда

учинчи шахсларни оғзаки сўровдан ўтказиш аудиторлик текширувининг ҳамма босқичида амалга оширилиши мумкин. Оғзаки сўров натижалари баённома ёки қисқа тушунтириш тарзида ёзиб борилиши, унда сўровни амалга ошираётган аудитор ва сўровдан ўтаётган шахснинг исми-фамилияси кўрсатилиши шарт.

Тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар аудитини ўтказишда қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланилади:

- “Келгуси давр харажатлари”;
- “Келгуси давр даромадлари”;
- “Операцион ва турли даромадлар”;
- “Жорий йилнинг фойда ва зарарлари”;
- бухгалтерия баланси;
- баланс ҳисобварақларининг кўчирмалари;
- Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;
- банк кенгаши бошқарувининг фойдани тақсимлаш бўйича қарори;
- бирламчи ва бошқа ҳужжатлар.

“Операцион ва турли харажатлар” баланс ҳисобварағида корхоналар депозитлари бўйича, фуқаролар қўйилмалари бўйича, банклараро кредит ва қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ҳисобланиши ва тўланиши учун махсус илова ҳисобварақлар очилади. Бундан ташқари асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши бўйича амортизация ажратмалари, ижара ҳақлари, мулк солиғи ва бошқа харажатлар бўйича ҳам илова ҳисобварақлар очилади.

“Бошқарув аппаратини сақлаш харажатлари” баланс ҳисобварағида қуйидаги илова ҳисобварақлари очилади: “Иш ҳақи харажатлари”, “Нафақа Фонди ажратмалари”, “Бандлик Фонди” ва бошқа илова ҳисобварақлари.

“Операцион ва турли харажатлар” ҳамда “Бошқарув аппаратини сақлаш харажатлари” баланс ҳисобварақлари дебети бўйича “Бошқа дебиторлар ва кредиторлар” ҳисобварағи билан корреспондентланади. Ушбу ҳисобварақлар

кредити бўйича “Жорий йилнинг фойда ва зарарлари” ҳисобварағи билан корреспондентланади.

Устав фонди шаклланишининг тўғрилигини текшириш тартиби унинг шаклланиш усулига боғлиқ. Устав фонди банк таъсисчилари ва акциядорлари томонидан тўланган маблағлардан ташкил топади. Тижорат банклари ташкил этилиши ва фаолият доираларини кенгайтириши учун ўз қимматли қоғозларини, яъни акцияларини чиқарадилар. Акциядорлик тижорат банкларининг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

Имтиёзли акцияларнинг оддий акциялардан қулайлиги шундаки - улар банк тугатилган тақдирда, белгиланган фойдани олиш ҳуқуқини беради, аммо овоз бериш ҳуқуқини бермайди.

Оддий акция – захира фонди тўлдирилгандан сўнг, имтиёзли акцияларга дивиденд тўлангандан кейин эгаларига соф фойдани тақсимлашда овоз бериш ҳуқуқини беради.

Тижорат банкларида оддий акциялар билан имтиёзли акциялар бир хил номинал қийматга эга бўлиши лозим. Тижорат банклари ташкил этилаётганда ва ўзларининг устав капиталини кенгайтириш учун акцияларни эмиссия қилиши мумкин. Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар таъсисчилар ва инвесторлар орасида ўзаро тақсимланади.

Аудиторлик текшируви жараёнида қуйидагилар аниқланади:

- сўралган миқдорнинг тўлиқ ўтказилганлиги;
- устав фондининг шаклланиш муддатларига амал қилиниши;
- устав фондининг манбалари(таъсисчиларнинг ўз маблағларидан ёки учинчи шахслардан кредит жалб қилиш йўли билан).

Текшириш учун қуйидагилардан фойдаланилади: таъсис шартномаси, устав фондига қўшган улушига кўра акциядорларнинг рўйхати. Эълон қилинган устав фондининг шаклланиш муддати ва тартиби таҳлил қилиниши лозим. Бунда ҳар бир акциядорнинг қўшган улуши аниқланади. Банкнинг кунлик баланси ва бирламчи ҳужжатлар бўйича акциядорлардан ҳақиқатда “Устав фонди” ҳисобварағига келиб тушган маблағлар текширилади.

Тижорат банкларининг устав фондини текширишда қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланилади: баланс ҳисобварақларидан кўчирмалар, таъсис ҳужжатлари, эмиссия проспекти, бирламчи ҳужжатлар ва баланс. Устав фонди балансидаги “Устав фонди” ҳисобварағида акс эйтирилиб, фақатгина бош банк балансида ҳисобга олинади. Аналитик ҳисобда ҳар бир пайчи, акциядор учун алоҳида ҳисобварақлар очилади(акция турлари бўйича).

Устав фонди шаклланишини текшириш давомида банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига эътибор қаратиш лозим. Агар банк пайчилик асосида қурилган бўлса, давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг бухгалтерия ҳисобида пайлар бўйича қуйидаги тўловлар амалга оширилади:

- миллий валютада банкка нақд пул маблағи келиб тушганда: “Касса” ҳисобварағи дебетланади, “Устав фонди” ҳисобварағи кредитланади;

- пайлар нақдсиз шаклда тўланганда: “Корреспондентлик ҳисоби” ҳисобварағи дебетланади, “Устав фонди” ҳисобварағи кредитланади;

- пайлар банк миждози томонидан тўланганда: миждознинг ҳисобрақами дебетланади, “Устав фонди” ҳисобварағи кредитланади;

- устав фонди материал бойликлар сифатида тўланганда: “Бино ва иншоотлар”, “Хўжалик инвентарлари”, “қурилиш моллари ва бошқа материаллар”, “Хўжалик материаллари”, “Арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар” ҳисобварақлари дебетланади, “Устав фонди” ҳисобварағи кредитланади;

- пай нақд хорижий валютада тўланганда: “Хорижий валютадаги тўлов ҳужжатлари ва нақд пуллар” ҳисобварағи дебетланади, “Устав фонди” ҳисобварағи кредитланади.

Акциядорлик тижорат банкларини ташкил этиш ва уларнинг устав фондини шакллантиришда айрим ўзига хос хусусиятлар мавжуд. қимматли қоғозлар чиқарилиши рўйхатдан ўтгандан сўнг, банк-эмитент қимматли қоғозларни сотишни бошлайди. Ҳақиқатда сотилган қимматли қоғозлар миқдори рўйхат ҳужжатларида келтирилган миқдордан ошиб кетмаслиги лозим. Агар қимматли қоғозлар учун тўлов миллий валютада нақдсиз амалга

оширилаётган бўлса, бу маблағлар тўғридан-тўғри тижорат банкининг Марказий банкдаги махсус йиғма ҳисобварағига ўтказилиши лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тижорат банкларида аудиторлик текширувларини ўтказишда асосий вазифалардан бири банк даромадлари ва харажатларини тўла таҳлил қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга охириги йилларда банк кредит портфелида бўлаётган ўзгаришларни аниқлаш банкнинг ликвидлик, ишончлилиқ ва даромадлилик кўрсаткичларини аниқлашга имкон беради. Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар банкнинг йиғма молиявий ҳисоботи, шунингдек, банкнинг активлар, пассивлари ва уларга боғлиқ бўлган ликвидлик, тўлов қобилияти ҳамда рисклар билан қизиқадилар.

Тадқиқот объекти ҳисобланган ДТ «Халқ банки» Яққасарой филиали мисолида тадқиқот натижаси сифатида биз тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар таҳлили ҳамда аудитини ташкил этиш ва такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган умумий хулосаларни шакллантирган ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсияларни беришни лозим, деб ҳисоблаймиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хориж тажрибаларига таянган ҳолда банкларнинг капитали ва активларига бўлган талабни Базель қўмитасининг талабларига мослаштириш бўйича чоратадбирларни белгилаш лозим. Ўз навбатида банк аудиторлари капитални аниқлаш, активларнинг риск даражалари бўйича гуруҳлаш, риск турлари бўйича ўз дастурларига ўзгартиришлар киритишлари лозим.

2. Тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар аудитини амалга оширишда зарур бўлган даромадлар ва харажатлар таҳлилинини ўтказиш учун алоҳида шакллар ишлаб чиқилишини тавсия этамиз. Тижорат банкларининг

молиявий ҳисоботи ҳар хил манбалардан олинган маълумотлар бўйича ўрганилади. Мазкур шакллар ҳар чорақда ўзгартириладиган бир неча йиллик маълумотларни ўзида жамлаши лозим. Бу маълумотлар коэффициентларда, фоизда ва сўмда тақдим этилади. Маълумотлар банк томонидан тайёрланадиган банк ҳолати ва даромадлари тўғрисидаги ҳисоботдан олинади. Ҳар бир ҳисобот ўз гуруҳига доир ўртача маълумотларга ва таққослаш учун фоиз таснифларига эга бўлади. Банкнинг активлари, мажбуриятлари ва капитали таркибидаги ўзгаришларни ўрганишда ва банк фаолиятидаги салбий ўзгаришларни аниқлашда бир неча йиллик фоиз кўрсаткичларини таққослаш самарали усул ҳисобланади. Бу банк бошқаруви самарадорлигини ва банкнинг молиявий барқарорлигини оширишга ёрдам беради.

3. Тижорат банкларида даромадлар ва харажатлар аудитини режалаштириш босқичида муҳимлик ва аудиторлик рискинни баҳолашнинг концептуал асослари баён этилиши лозим. Аудитнинг режаси ва дастурини тайёрлашда аудиторлик ташкилотлари вақт бюджетини ҳам ҳисобга олишлари лозим. Бунинг натижасида мижоз аудиторлик текшируви учун белгиланган вақт ва хизмат ҳақининг асосли эканлигига ишонч ҳосил қилади. Бундай ташкил этилган маълумотлар усули актив ва пассивлар балансининг фоизли муносабатини акс эттиради. Бу бошқарув фаолияти ва келгусида банкнинг стратегиясини янада яхшироқ аниқлаб олиш имконини беради.

4. Ҳисоботдаги банк тўғрисидаги маълумотлар даромадларнинг тўғрилигини, ликвидликни, капитални, актив ва менежмент мажбуриятларини, ўсиш режаларини баҳолашда қўшимча маълумот сифатида ишлатилиши мумкин. Банк ходимлари ва аудиторлар бу ҳисоботлардан банк молиявий ҳолатини ўрганиш мақсадида фойдаланишлари мумкин. Бу уларга банк бошқаруви қарорларини самаралироқ бўлишини таъминлайди.

5. Тижорат банкларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хориж тажрибасига таянган ҳолда банкларнинг даромадлари ва

харажатлари таҳлилини ўтказиш учун маълумотларни ўзида аниқ акс эттирган банк ҳисоботи шакллари ишлаб чиқишни тавсия этамиз. Ушбу ҳисоботлар очик ва ёпиқ манбалардан олинган маълумотлар базаси бўйича ўрганилади.

6. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида аудиторлик фаолиятининг халқаро аудит стандартларидан фойдаланишни тавсия этамиз. Бунинг учун барча иқтисодий субъектлар учун ягона халқаро стандартларга янада яқинлаштирилган миллий аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш ёки аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан воз кечиш ва ўз навбатида республика иқтисодиёти хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ушбу халқаро аудит стандартларини республикамизда қўллаш бўйича ягона стандартларни қабул қилиш лозим. Ўз навбатида банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш хусусиятларини мужассамлаштирган стандартларни ҳам ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу махсус стандартлар банк аудити жараёнини тартибга солади. Шунингдек, мақсад ва вазифаларни белгиловчи қоидаларни қабул қилиш ва ишлатиш, фаолият билан қизиқувчилар ва фойдаланувчиларга тўғри йўналиш беради. Бу эса банк аудитини ривожланиши ва риск даражасини минималлаштириш имконини беради.

7. Бугунги кунда ички назорат тизими банк рискларини минималлаштириш имконини беради ва унинг тўғри ташкил этилиши банк бошқарувчиларига ва аудиторларга текширув ўтказишда турли қулайликларни яратади. Ички назорат тизимининг ишончлилигини аниқлаш аудиторлик текширувининг ажралмас қисмидир. Аудиторлар молиявий ҳисобот маълумотларини қайта ишлаш, рўйхатга олиш тизими тўлиқлигини таъминловчи ишончли ички назорат тизими билан қизиқадилар.